O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 26-mart, chorshanba | № 24 (7529)

Da'vat

Tiling birla ko'nglingni bir tut.

Alisher NAVOIY

Ibrat

Nurota tumanida qurib bitkazilgan yangi kasb-hunar kolleji yoshlarga ajoyib Navro'z tuhfasi bo'ldi. Pedagog mutaxassislar tayyorlashga ixtisoslashgan mazkur muassasada barcha sharoitlar yaratilgan.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

FARMON

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qishloq xo'jaligida iqtisodiy islohotlarni yanada chuqurlashtirish, qishloqda ishlab chiqarish munosabatlarini takomillashtirish, qishloq xo'jalik ishlab chiqarishni boshqarishning bozor tamoyillariga mos keladigan tashkiliy tuzilmasini tatbiq etish, qishloq xo'jalik mahsulotlari ishlab chiqaruvchilarning mustaqilligini kengaytirish hamda ularning ishonchli huquqiy muhofazasini ta'minlash maqsadida "Qishloq xo'jaligida islohotlarni chuqurlashtirishning eng muhim yo'nalishlari to'g'risida"gi farmoni chiqdi.

SESSIYA CHAQIRILDI

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Kengashining qaroriga binoan 2003 yilning 24 aprel kuni Toshkent shahrida chaqiriladigan Ikkinchi chaqiriq O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining o'n birinchi sessiyasi kun tartibiga mamlakatimizning iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy hayoti va mudofaasiga taalluqli muhim qonunlar loyihalari muhokamasi, Oliy Majlis vakolatidagi boshqa masalalar kiritilishi nazarda tutilgan.

O'ZBEKISTON DURDONALARI YAPONIYADA

O'zbekiston Fanlar Akademiyasi va Yaponiyaning "Asaxi Simbun" gazetasi, Yakushizi buddaviylik jamoasi, Xalqaro Ipak yo'li akademiyasi tomonidan uyushtirilgan, turli tarixiy davrlarga oid eksponatlardan iborat "O'zbekistonning yangi arxeologik durdonalari" mavzuidagi ko'rgazma kunchiqar mamlakatning Tokio, Nara va Fukuoka shaharlarida namoyish etilib, o'z betakrorligi, jozibadorligi va serjilvaligi bilan tariximiz, madaniyatimizga befarq bo'lmagan yaponiyaliklarni maftun etdi.

БЕЛЛАШУВГА КАТТА ИШОНЧ БИЛАН

Olimpiada — 2003

Олимпиадани фикр юритиш мактаби, дейишади. Дарҳақиқат, унда ўқувчилар назарий ва амалий (имло саводхонлиги даражаси, мисол ва масалаларни еча олиш маҳорати, лаборатория тажрибаларини ўтказа олиши, харита билан ишлаши) билимларини намоён этадилар. Хўш, бу йилги олимпиада ўтган йилдагиларидан қайси жиҳатлари билан фарқланади? Ўзгариш ва янгиликлар ҳам борми?

Кеча Тошкент шаҳридаги биринчи педагогика колледжида ўтказилган умумтаълим фанлари бўйича олимпиадаларнинг якунловчи — IV босқичи очилиш маросимида олимпиада ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлидинов ана шу каби саволларга жавоб берди. Сўнг беллашувнинг якуний босқичини ўтказиш тартибига атрофлича тўхталди.

Олимпиаданинг ўтган йиллардаги беллашувлардан фарқи шуки, Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича олимпиадалари Халқ таълими вазирлигининг 2002 йил 24 октябрдаги 161-сонли, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2002 йил 24 октябрдаги 304-сонли қўшма ҳайъат қарори билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Низоми асосида 2 ва 3 турда ўтказилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

ТАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАТАНДА:

МАҚСАД САРИ ИНТИЛМОҚ КЕРАК
ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИР СОАТЛИК ДАРСДАН ЧИҚАРГАН ХУЛОСАЛАРИ ШУНДАЙ БЎЛДИ
3-бет

КИТОБДАН ЯХШИ ДЎСТ БЎЛМАС
4-бет

АЛПЛАРНИНГ ҚАНОТИ
5-бет

АРОҚ — ЖОҒА
ЁХУД ШАЙТОНҚУЛНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ
6-бет

"ШОҲМОТ" КРОССВОРДИ
8-бет

ЎҚУВЧИ ВА ДАРСЛИК ДАВР НИГОҲИДА

Matbuot anjumani

Оммавий ахборот воситалари — холис нигоҳ. У жамият кўзгуси инсоннинг ОАВларга бўлган эҳтиёжи ҳам шундан. Хўш, бугун юртимиз таълим тизимида кечаётган туб ислоҳотлар жараёни ўша кўзгуда нақадар акс этмоқда?

Республика таълим марказида юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари билан Халқ таълими вазирлигининг матбуот хизмати вакиллари, соҳа мутахассислари ўртасида бўлиб ўтган давра суҳбатида худди шу масалаларга эътибор қаратилди. Бугунги кунга қадар мазкур соҳада олиб борилган кенг кўламли ишлар самараси ўлароқ улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бироқ бу фикр тизим муаммолардан холи, дегани ҳам эмас, албатта. Ўз-ўзидан савол тугилади. Халқ таълими тизимидаги ютуқлар қаторида мавжуд муаммолар оммавий ахборот воситаларида қай даражада холис ёритилиб борилаяптию, бу борадаги ташвишланарли жиҳатлар нималардан иборат?

Таъкидлаш лозимки, тизим истиқболини, ёшлар эртасини замонавий ўқув воситаларисиз, дарслик ва ўқув қўлланмаларисиз тасаввур қилиш мушкул. Негаки, дарслик — йўлчи юлдуз. У ўқувчи эгаллаши лозим бўлган билим манбаи. Шу жиҳатдан қараганда, омма асосий диққат-эътиборининг мазкур масалага қаратилганлиги бежиз эмаслиги кўринади. Бу эса ОАВ назаридан ҳам йироқ эмас.

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқич вазифалари бажарилаётган айни пайтларда, — дейди анжуманни кириш сўзи билан очар экан, Республика таълим маркази директори Г.Алимова, — дарсликларнинг янги авлодини яратиш борасида ХТВ томонидан олиб борилаётган изланишларнинг аҳамияти катта. Зеро, иккинчи босқич бу сифат ўзгариши бўлиб, ўқувчи тафаккурида ясаладиган бурилиш айни шу омилга бориб тақалади. Ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, ўтган давр мобайнида дарсликлар яратиш бўйича ДТС, ўқув режаси, ундан ташқари, республика бўйича тажриба синовидан ўтган дастурлар асосида янгича ёндашилган ҳолда амалий ишларга қўл урилмоқда. Ҳозирги кунга қадар, умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун барча фанлардан дарсликлар яратиб улгурилган бўлса, эндиги вазифа уни такомиллаштириш ва ўқувчиларга тўлиқ етказишдан иборат.

Тажрибадан маълумки, дарслик узоқ йилларга мўлжаллаб чиқарилмайди. Зотан, замон тараққий этмоқда. Шу боис, дарсликлар мазмунини доимий равишда такомиллаштириб бориш мақсадида танловлар ўтказилаётган бўлса, унинг ўқувчи қўлига тўлиқ етиб бориши учун ХТВ томонидан ижара тизими амалиётга тадбиқ этилмоқда. Натижада, ўқувчиларимизнинг дарсликлар билан таъминланиш даражаси қувонарли бўлаётир. Бу кўрсаткич қўйидаги рақамларда ҳам кўринади. 2000 йилда 76,6 фоиз ўқувчи дарсликларга эга бўлган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 87,7 фоизни, 2002 йилда эса 90 фоизни ташкил этди. Бу борада ҳукуматимизнинг ўқув даргоҳлари кутубхона фондини бойитиш мақсадида давлат бюджетидан ажратаётган маблағнинг аҳамияти катта. Масалан, 2000 йилда айни мақсадга давлат хазинасидан 1,5 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлса, 2001 йилда бу рақам 1,9 млрд. сўмга ўсган, 2002 йилда эса 8 млрд. 8 млн. сўм миқдоридаги маблағ айни шу йўналишга ажратилган. Бундан ташқари, дарсликларга бўлган ўқувчилар эҳтиёжини қоплаш учун айрим табиий ва аниқ фанларга оид дарсликлар ҳамда ўқитувчилар қўлланмасини Россия давлатидан ҳам сотиб олиш йўлга қўйилган. Ушбу ишлар бугунги кунда янада ривожлантирилиб, дарсликларни замон талаблари даражасида такомиллаштириш мақсадида айрим дарсликлар бўйича ҳозирда танлов жараёни кечмоқда.

Албатта, ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланишидаги кўрсаткичларнинг ўсиши кишини қувонтиради. Бироқ бугун яратилаётган

(Давоми 2-бетда)

МАКТАБ БОҒИ — ДАРОМАД БУЛОҒИ

Бахмал туманидаги Кўчим Тошбеков номли 35-мактабда боғ ташкил этилган. Бу боғда 70 туп олма дарахти бўлиб, ҳар йили мўл ҳосил бераётир. Яна 25 туп ёш ниҳол ҳосилга кириш арафасида, 350 та терак эса қурилиш учун яраб қолди, 550 туп ёш терак ниҳоллари барқ уриб ўсмоқда.

Яқинда мактабда Наврўз байрами нишонланди, сумалак тайёрланди, Боғни янада яшнатиш мақсадида гул ва мевали дарахтлар кўчатлари ўтказилди. Ҳашар якунида мактаб боғидан олинган даромад ҳисобидан фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ўқувчилар, илғор ўқитувчилар, меҳнат фидоийлари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, боғ даромадидан таъмирлаш, кам таъминланган оила фарзандларига бепул дарсликлар беришда ҳам фойдаланилмоқда.

Абдусаттор СОДИҚОВ

Xabarlar oqimidan

ЎҚИТУВЧИЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

Тўрткўл туманида "Шу қутлуғ эл фарзандиман" мавзусида 5 шарт — танишув, туман тарихига оид савол-жавоб, оммавий рақс, сардорлар беллашуви, юрт тарихига оид афсона асосида саҳна кўринишлари асосида кўриктанлов ўтказилди. Бу танловда 2,23,17,19,43-мактаб ўқитувчилари иштирок этдилар.

"Гулдурсун", "Тупроқ-қалъа", "Шўрахон" афсоналари асосида тайёрланган саҳна кўринишлари чиндан ҳам бу юрт кўҳна қалъа ва афсоналар диёри эканлигига ишорадир. Ўқитувчилардан Раъно Шерова (2-мактаб), Гулчеҳра Ибодуллаева (23-мактаб), Насиба Айимбетова (17-мактаб), Муҳаббат Йўлдошева (43-мактаб)ларнинг илмий изланишлари, рақслари, ифодали шеър ўқишлари, маҳоратлари кўпчиликка манзур бўлди.

Бу танлов яна давом этади. Албатта, маҳалла ободлигининг бир қирраси унинг тарихига, шу юрт билан фахрланишига бориб тақалади.

Тоҳир РЎЗИБОЕВ,
Тўрткўл туманидаги 64-истеъдодли ўқувчилар мактаби ўқитувчиси

Бугун республикамизда спортга бўлган эътибор беқиёсдир. Сабаби давлатнинг довруғини ҳеч қандай соҳа спортчалик дунёга танита олмайди.

Шундай экан, бугун бизнинг ёш спортчиларимиз дунёда қандай ўринларда турибди, республикамиз шарафини қандай ҳимоя қилмоқдалар?!—деган савол барча юртдошларимизни қизиқтириши табиийдир.

Биз эса бу саволларга биргина 14-15 март кунлари АҚШнинг Атланта шаҳрида каратэ бўйича ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган "Атланта — 2003" халқаро турнирида қатнашган ёш спортчиларимизнинг кўрсатган натижаларидан жавоб олдик. Турнирда АҚШ, Германия, Япония, Канада, Марокаш, Миср, Косово, Ўзбекистон спортчилари беллашди.

Бу мусобақада қатнашган 10 нафар спортчиларимизнинг ҳаммаси медаллар шодаси билан қайтишди. Жасур Қаюмов, Акбар Воҳидов, Аббосхон Ҳусанов, Ўткир Муллахўжаев, Муродхўжа Ботирхўжаев, Бунёд Абдуллаев, Жалолиддин Нуриллаев олтин, Ҳамза Қаюмов, Отабек Бойматов, Бобур Рўзметов кумуш медал соҳиблари бўлишди.

Шерзод АҲМАТОВ,
"Ma'rifat" мухбири

O'qituvchi yon daftariga

BUYRUQ BILAN BOSHQARILADI

Yaponiyalik muhandis Oxiro Yanasuki odatdagi kerosin bilan ishlovchi, biroq, og'zaki buyruq bilan harakatlanish qobiliyatiga ega bo'lgan traktor yaratdi. Bu g'aroyib traktor haydovchisiga katta qulaylik tug'diradi, ya'ni, "o't ol", "yur", "o'ngga yoki chapga buril" deya buyruq berilsa bas, texnika o'zi shunga ko'ra harakatlanaveradi.

MASHINA QADAM TASHLAYDI

Maks Xershell boshchiligidagi Florida universiteti olimlari yaratgan avtomobil ham g'aroyib. Uning g'ildiraklari o'rniga oltita baland oyoqlar o'rnatilgan bo'lib, u qadam tashlab yuradi. Bahaybat hashoratni eslatuvchi ushbu texnikaning afzalligi tiqilinch, tor, yoki o'pirilgan ko'chalarda bilinadi.

TO'YIB UXLANG

Pensilvaniya universiteti (AQSH) tibbiyot fakulteti tadqiqotchi-mutaxassislari rahbari Hans Van Dongenning fikricha, muntazam uyquga to'ymaslik ham umuman uxlamaslik kabi xavflidir. Tadqiqot natijalari uyquga to'ymay yuradigan kishilarning aql-idrok imkoniyatlari cheklangan holatda bo'lishini ko'rsatmoqda.

AQLLI BO'LISH ORZUSI

Angliyalik Aleksandr Jeykobs dunyodagi eng aqlli odam bo'lish orzusida. Orzusiga erishish uchun, uning fikricha, Britaniya ensiklopediyasini to'liq o'qib chiqish kifoya. Ayni paytda qomusning "K" harfiga kelgan Jeykobs, uni tugatgach, "Dunyodagi eng aqlli odam" deb nomlangan kitob yozmoqchi, albatta o'zi haqida.

Lekin aksar umumta'lim maktablarining moddiy-texnik bazasi anchayin nochor, ayniqsa, fizikadan namoyish va amaliy ish uchun standart o'quv qurollari hamda asbob-uskunalari kam, borlari ham nosoz bo'lib qolgani sir emas.

Ba'zi maktablar singari ko'p qavatli, zamonaviy binolari bo'lmasa-da, bu maktabda ishlar zamonaviy tashkil etilgan.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

YUNESEF TAJRIBANI O'RGANDI

Bolalarni jismoniy va ma'naviy sog'lom qilib tarbiyalash, har tomonlama kamol toptirish uchun sharoit yaratish, ularning huquqlarini himoya qilish borasida o'ziga xos tajribaga ega bo'lgan yurtimizga tashrif buyurgan YUNESEF-BMT Bolalar jamg'armasi Ijroiya qo'mitasi delegatsiyasi a'zolari ushbu tajribalarni o'rganish barobarida kelgusidagi hamkorlik rejalarini belgilab olishdi.

BUXORO-BONN-BIRODAR SHAHARLAR

Bundan to'rt yil ilgari O'zbekiston va Germaniyadagi bu ikki qadimiy shaharlar xalqaro hamkorligiga asos solinib, madaniyat, xalq ta'limi sohalari bo'yicha aloqalar yo'lga qo'yilgan edi. Yaqinda Bonn shahrining burgomistri Berbel Dikman xonimning Buxoroga tashrifi chog'ida shahar hokimi K.Kamolov bilan imzolagan hujjatlarida sayyohlik, ta'lim, sog'liqni saqlash, madaniyat sohalarida o'zaro aloqalarni rivojlantirish ko'zda tutilgan.

YANGI ZAVOD

Navoiy viloyati Konimex tumani markazida ishga tushgan, Xitoyning "Van fen" firmasi texnologiyasi asosida polipropilen xaltalari ishlab chiqaradigan zavod mahsulotlari "Navoiyazot", "Qizilqumsement", "Navoiydonmahsulotlari" kabi yirik korxonalar ehtiyojini to'liq qondirishga xizmat qiladi, deya xabar beradi "Xalq so'zi" gazetasi.

KONCHILAR O'QUVCHILARGA

`Cho'l hududidagi etmishdan ortiq maktablarni ta'mirlash va o'quvchilarni sport formalari bilan ta'minlash uchun besh yuz million so'mlik mablag' ajratish tashabbusi bilan chiqqan Navoiy kon- metallurgiya kombinati jamoasi saxovat bayrami - Navro'z shodiyonalari kunlari Konimex va Nurota tumanlaridagi maktab o'quvchilariga AQSHning "Nukem" firmasida ishlab chiqarilgan etti yuzta futbol, valeybol, basketbol to'pi, shahmat-shashka, soat kabi o'n ikki xil sport anjomlari (jami besh million so'mlik) hadya etgan bo'lsa, Shimoliy kon boshqarmasi Nurotadagi gimnaziyamaktabida ikkita kompyuter sinfi tashkil etilishiga yordam berishdi.

BYURO RASMAN OCHILDI

Toshkentda mintaqadagi ishsizlar va ijtimoiy himoyaga muhtoj aholi guruhlariga ko'maklashish, yangi kasb tanlash uchun katta yoshdagilarga , ta'lim berish imkoniyatlarini yanada kengaytirish va qo'llab-quvvatlash kabi yo'nalishlar bo'yicha faoliyat olib boradigan Xalq universitetlari nemis uyushmasining xalqaro aloqalar instituti(IIZ/DVV)ning Markaziy Osiyo mintaqasidagi byurosining rasmiy ochilish marosimi bo'lib o'tdi.

ЎҚУВЧИ ВА ДАРСЛИК ДАВР НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

дарсликлар мазмуни замон талаби билан нақадар ҳамоҳанг? Шу ўринда айрим тортишув ва мушоҳадаларга сабаб бўлаётган тарих дарсликлари хусусида мутахассислар фикр билдирсалар ўринли бўлади.

Г.АЛИМОВА, Республика таълим маркази директори:

— Ҳар қайси соҳадаги кечадиган ислоҳотлар маълум муддат талаб қилади. Бу дарсликлар яратиш жараёнига ҳам тегишли. Шу боис йил сайин такомиллашиб бораётган дарсликларнинг сўнгги нашри ўқувчи қўлига етиб боришини таъминлаш мақсадида ХТВ томонидан ҳар янги ўқув йили олдидан "Маърифат" ва "Учитель Узбекистана" газеталари орқали ўқитувчи ва ота-оналар эътиборига дарсликларнинг янги рўйхати ҳавола этиб борилади. Бироқ, баъзи ҳолларда ОАВ ходимларининг масаланинг туб моҳиятига у қадар етмаслиги оқибатида илк яратилишида баъзи камчиликлардан ҳоли бўлмаган дарсликлар ўрнига янгиси амалиётга татбиқ этилган бўлса-да, эскисидан хулоса чиқариб, нотўғри маълумот тарқатган ҳолатлар ҳам учраб турибди. 2003 йилнинг 12 мартида "Би-Би-Си" ва "Немис тўлқини" радиоларидан ҳамда халқаро Интернет тармоғидан тарқатилган маълумот ҳам худди шундай ёритилаётган мавзу билан тўлиқ таниш бўлмаслик оқибатида тарқатилган хабарлар сирасига киради. Айни анжуман ҳам бу каби йўл қўйилаётган хатоликларнинг олдини олишга қаратилаётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Унда айтилишича, Ўзбекистондаги Россия давлати элчихонаси томонидан ўтказилган "История — проблемы объективность и нравственность" мавзусидаги анжуманда Россиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Д.Рюриков ХТВга Ж.Раҳимов муаллифлигидаги 9-синф "Ўзбекистон тарихи" дарслигида баъзи хатоликлар борлиги тўғрисидаги мурожаатига қарамасдан мазкур ўқув қўлланмаси ҳамон ўқувчилар қўлидалиги таъкидланган. Шу муносабат билан айтиш лозимки, 1998 йилда яъни ДТС қабул қилмасдан аввал ўзбек тилида, сўнгра 2001 йилда рус тилига таржима қилиниб, чоп этилган мазкур тарих дарслиги элчининг мурожаатидан олдинроқ РТМнинг тарих илмий методик кенгаши йиғилишида ўқитувчилар томонидан берилган таклиф асосида муҳокама қилинди ва 9-синф "Ўзбекистон тарихи" ўқув қўлланмаси Осиё ривожланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан 2002 йилда ўтказиладиган танловга тавсия этилганди. Шу сабаб 2002-2003 ўқув йили аввалида дарслик истеъмолдан чиқарилиб, газета орқали эълон қилинган янги дарслик рўйхатларида унинг ўрнига Гога Ҳидоятов ҳамда Василий Костецский томонидан яратилган "Ўзбекистон тарихи" дарслигини 9-синф ўқувчиларига тавсия этганмиз. Ҳозирги кунда эса мазкур дарслик ўзбек ва рус тилларида нашр қилинган бўлиб, унинг ўзбек тилидагисига 524 мингга яқин нусхада талаб бўлса-да 450 минг, рус тилидагисига эса 34 минг талаб бўлган ҳолда 20 минг нусхада чоп этилиб, жойларга етказилган. Тўғри, рақамлардан кўринадики, китобга бўлган эҳтиёж ҳали тўла қопланмаган. Бироқ ўз ўрнида айтиш керакки, дарсликлар 4 йил давомида маълум оралиқларда нашр этиб борилади. Янги ўқув йилидан эса ушбу дарсликка бўлган эҳтиёж тўлиқ қопланиши кўзда тутилмоқда. Ушбу маълумотлар ўтган йилнинг 11 сентябрь куни элчининг республика халқ таълими вазири билан бўлган мулоқотида айтилган ва бундан элчи жаноблари қониқиш ҳосил қилган эди.

Тўғрисини айтиш лозимки, ҳақиқатдан ҳам дарсликнинг рус тилига таржима қилинишида баъзи жузъий хатоликларга йўл қўйилганлиги экспертлар томонидан аниқланганди. Бироқ дарсликданларнинг янги авлодини яратиш борасидаги ишлар ҳали давом этаётганлиги боис мазкур дарслик маълум муддат давомида фойдаланилди. Аммо шу оралиқда ҳам "Маърифат" ва "Учитель Узбекистана" газеталари орқали дарсликдан қандай фойдаланиш лозимлиги хусусида РТМ услубчилари томонидан ўқитувчиларга тавсиялар бериб борилди.

Албатта, ҳар қандай масалага холис ёндошиш ҳар бир нашр, кўрсатув ёки эшиттиришнинг асосий вазифаси. Чиқариладиган хулоса эса ўқувчи, томошабин ёки тингловчи ҳукмига ҳавола. Афсусланарлиси, айрим нашрлардаги келтириладиган рақамларнинг бошқасида тасдиқланмаслиги ёхуд умуман, бир хил маълумотларнинг турли ОАВда бир-бирига зид келиб қолаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Анжуманда айни шундай ҳолатларни олдини олиш мақсадида йиғилиш сўнгида дарсликларнинг яратилиши, нашр этилиши ва ўқувчи қўлига етиб бориши хусусидаги журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан аниқ жавоблар берилди.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Xaiq ta'limi va bozor iqtisodiyoti

МАБЛАҒНИ ЎЗИМИЗ ТОПАЯПМИЗ

Таълим соҳасидаги ўзгаришлар хусусида фикр билдирилганда ундаги ютуқ ва камчиликларга тўхталиб ўтмасликнинг имкони йўқ. Аммо таъкидлаш лозимки, жойлардаги айрим илм даргоҳи раҳбарлари муаммолардан саросима исканжасида қолган бўлса, ечимини кутаётган муаммоларни ўз имкониятидан келиб чиқиб, оқилона ҳал этаётган тадбиркор раҳбарлар ҳам йўқ эмас.

Қўқон шаҳрининг четида бир мактаб бор. Баъзи мактаблар сингари кўп қаватли, замонавий бинолари бўлмаса-да, бу мактабда ишлар замонавий ташкил этилган.

Илгари Ўзбекистон тумани тасарруфида бўлган Қўқон шаҳридаги 35-мактаб оддийгина бир қаватдан иборат бинога эга бўлиб, ўша йилларда ҳал қилинмай турган муаммолари кўп эди. 1991 йилда мактабга Олияхон Нишонова директор этиб тайинланди. Опа муаммолардан чўчимади. Мактаб жамоаси билан маслаҳатни бир жойга қўйиб тумандаги "Пахтақайнар" жамоа хўжалиги раҳбари билан шартнома тузди. Шартномага асосан мактаб аҳли жамоа хўжалиги ишларида ёрдам беради, яъни ипак қурти боқиб, пилла етиштиради, жамоа хўжалиги эса мактабни газлаштиришга молиявий ёрдам кўрсатади.

— Ана шу шартнома асосида уч йил ипак қурти боқиб режадаги пиллани етиштириб бердик, — дейди О.Нишонова — 1993 йилнинг бошида жамоа хўжалиги ёрдамида мактабимиз 3156600 сўм сарфланиб келтирилган табиий газ билан таъминланди. Раҳбар бўлиб келган йилим мактабга тегишли ер майдонларига мевали дарахтлар ва терак кўчати эккан эдик. Улар ҳам кейинчалик баъзи молиявий қийинчиликларимизни ечишда омил бўлди. 1994 йилда мактабимиз Қўқон шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфига ўтказилиши муносабати билан алоқа хизмати зарурати туғилди. 1995 йили мевага кириб қолган дарахтлар ҳисобидан шарбатлар тайёрлаб сотиш, мактабга яқин жойлашган машина таъмирлаш заводи билан шартнома асосида ўқувчиларнинг амалиёти даврида проклаткалар тайёрлаб бериш эвазига тушган маблағдан тўпланган 57000 сўм маблағ эса мактабга телефон алоқасини йўлга қўйиш учун ишлатилди. Шунингдек, 1997 йилда 43000 сўм сарфланиб мактабда бассейн қурилди.

2001 йили бундай хайрли ишлар давом эттирилиб, мактабга кўрк бағишлаш мақсадида узумзор боғ қилинди. Унга 249312 сўм маблағ сарфланди. Эътиборлиси, бу ишлар ҳам сармоядан ташқари ишлаб топилган жамғарма ҳисобидан амалга оширилди.

Ўтган йили эса илм даргоҳи жамоаси мактаб биноси томини шифер билан ёпишга бел боғлади. ШХТБ томонидан 400 та шифер берилди. Ёғоч ўзларидан чиқди. Бундан ўн бир йил аввал экилган тераклар бугун мактабнинг корига ярамоқда. Ҳозирга келиб таълим маскани раҳбари ташаббуси билан 500 метр масофадан мактабга тоза ичимлик суви келтириш мақсадида қувурлар ётқизилмоқда.

Мактабда ўқувчиларга дарсдан ташқари қўшимча машғулотлар ўтиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Олти ёшли болаларни мактабга тайёрлаш, битирувчи синф ўқувчиларини олий ўқув юртларининг кириш имтиҳонларига тайёрлашда бошланғич синф ўқитувчиси М.Ғозиева, математика фани ўқитувчиси М.Марасулова, она тили ва адабиёт, рус тили ва адабиёти, немис тили фанлари ўқитувчилари С.Ҳаитова, З.Пирматова, Э.Усмонова каби ижодкор ўқитувчиларнинг олиб бораётган қўшимча машғулотлари самарали бўлмоқда.

Мактаб жамоаси таълим-тарбиявий ишларни амалга оширишда ҳам шаҳар мактаблари ўртасида ўз нуфузига эга. Ўқитувчи ва ўқувчилар шаҳар, вилоят миқёсида ўтказиладиган турли танловлар, тадбирларда фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Ўқувчиларга янги педагогик технология асосида ноанъанавий билим бериш яхши йўлга қўйилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, бу жамоа таълим-тарбия соҳасидаги ҳар қандай янгиликни тез ўзлаштириб олишга, уни ўз тажрибаларида синаб кўриб, ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қилади.

—"Халқ таълими тизимида узлуксиз методик хизматни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарор асосида мактабдаги мавжуд 7 та методика бирлашмалар иш режаси қайтадан кўриб чиқилди, — дейди мактаб илмий бўлим мудири Ю.Абдурахмонова. — Қарорда кўрсатилган 11 йўналишнинг мактабимизга тегишли қисми олиниб, ишлаб чиқилди. Ёш мутахассисларга, ота-оналарга методик хизмат кўрсатиш режаларини аниқ белгилаб олдик.

Ҳозирда 720 ўринли мактабда 1204 нафар ўқувчи икки навбатда ўқишмоқда. Уларга 72 нафар малакали педагоглар замон талаби асосида таълим-тарбия бериб келишмоқда. Педагогларнинг 15 нафари олий тоифали. Демакки, энг яхши, билимдан ва асосийси, тажрибали муалимлар ёшларга ўрнак, устоз бўлишмоқда.

Акрамжон ТУРСУНАЛИЕВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Tajriba, sinov, natija

ЎҚУВЧИНГИЗ ФИЗИКА ФАНИГА ҚИЗИҚАДИМИ?

Бугунги кунда физика фанини замон талаблари даражасида ўқитиш, дарс сифати ва самарадорлигини ошириш, айниқса, ўқувчилар қалбида меҳр уйғотиш ўқитувчилар олдида турган муҳим вазифалардан бири саналади. Чунки физика фани жуда мураккаб, шу билан бирга қизиқарли ҳамдир. Хўш, ўқитувчи ушбу мураккаб тушунчаларни содда, қизиқарли қилиб ўқувчига етказиши учун нималар қилмоғи ва нималарга эътибор бермоғи керак? Дарс сифати ва самарадорлигини ошириш қандай омилларга боғлиқ?

Маълумки, янги педагогик технологиялар таълим самарасини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларнинг билим даражасини эса янгиликларсиз, янги услубларсиз Давлат таълим стандартлари талаблари даражасида шакллантириш мумкин эмас. Шу боис барча таълим-тарбия соҳаларида янги педагогик технологияларни қўллашга эътиборни янада ошириш лозим. Бир сўз билан айтганда, таълим жараёнига ижодкорлик ва бунёдкорлик татбиқ этилсагина, таълим самараси янги босқичга кўтарилади.

Ҳозирги вақтда ўқитувчилар янгиликларни ўз малака ва билимларидан келиб чиқиб қўллашга ҳаракат қилишмоқда. Лекин аксар умумтаълим мактабларининг моддий-техник базаси анча ночор, айниқса, физикадан намойиш ва амалий иш учун стандарт ўқув қуроллари, асбоб-ускуналари кам, борлари ҳам носоз бўлиб қолгани сир эмас. Бу муаммоларни ҳал қилиш эса физика ўқитувчиларидан янада фаол ишлаш, изланишни талаб қилади. Ўқувчилар дарс давомида эркин ҳаракат қилиб, ўз устида тинмай ишласа, изланишдан эринмасагина, ўқитувчи улар қалбига йўл топа олган бўлади. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 13-мактабнинг физика ўқитувчиси Шоира Набиевани ана шундай муаллимлар сирасига киритиш мумкин. У иш фаолияти давомида анчагина ютуқларга эришган. Муаллим лаборатория хонасини кузатсангиз, кўплаб уй шароитида ишлатишга яроқсиз бўлиб қолган электр ва техника асбобларини кўрасиз (носоз телевизор, радио, соат, телефон аппарати, магнитофон, ҳисоблагич, фотоаппарат, вентилятор, стол лампаси ва ҳ.к.). Ш.Набиева доим моҳир телевизор устаси ҳам кўп марта электр асбобларини парчалаб, "операция" қилиб, амалий тажрибалар орқасидан маҳорат чўққисига эришади, дея ўз ўқувчиларини тажриба ўтказишга ундайди. Масалан, у амалий машғулотларда "Ўзгарувчан индукцион ток", "Микрофон" мавзуларини ўтганда телефон аппарати ва микрофондан, "Ёруғликнинг кимёвий таъсири" мавзусини ўтганда фотоаппаратдан фойдаланиб, ўқувчиларга уларнинг ички тузилиши ва таркиби билан бемалол ичини очиб, ўргата олади.

Қуйида унинг амалий машғулотларда ўтказган тажрибаларини ҳавола этамиз. Ўйлаймизки, ўқитувчилар ундан фойдаланадилар, "Зичлик" мавзуси учун: бир стакан тоза сув ва шунча намакоб, икки дона картошка керак бўлади. Иккала стаканга картошка солинади. Тоза сувда картошка чўкади, намакобда эса сузади. Нима учун? Чунки, намакобнинг зичлиги катта.

"Иссиқлик ҳодисалари" мавзуси учун: жисмларнинг иссиқликдан кенгайишини қуйидаги амалий ишда кўриш мумкин, яъни танга бемалол сиғадиган қилиб мих қоқилган тахта бўлаги олинади. Тангани қиздирамиз, энди танга михлар орасидан ўтмай қолади.

"Диффузия ҳодисаси" мавзуси учун: Ўқувчилар иккита стаканга (иссиқ ва совуқ сув учун) ҳар хил ранг қўшадилар. Бунда ўқувчилар диффузия тезлиги температурага боғлиқлигини ўз кўзлари билан кўрадилар.

"Жисмларнинг массалари" мавзуси учун ўқувчилар тарози макети ясайдилар.

"Куч" мавзуси учун эса ўқувчилар ўз қўллари билан динамометр ясайдилар.

"Босим" мавзуси учун: қўлимизга тиббиёт ёки кефир банкаси ёки қайнатиб пиширилган тухумни қўйиб кўрсатиш мумкин.

"Паскал қонуни" мавзуси учун қизиб турган мих билан баклашкани ҳар жойдан тешамиз. Болалар олдин идишга сув соладилар, иккинчи ҳолатда аптека исириғини тутатиб, идиш ичини тутунга тўлдирамиз. Ўқувчилар идишнинг ҳамма тешикларидан бир хил босим остида сув ва тутун чиқаётганини кўрадилар.

"Электр ва магнит майдони" мавзуси учун эса гугурт қутичасининг устида игна санчилади ва унга перпендикуляр қилиб қоғоз парчаси жойлаштирилади. Агар кафт билан ясалган қурилма тўсилса, қоғоз ҳаракатга келади. Иккинчи қўл билан тўсилганда эса қоғоз парчаси тескари томонга айлана бошлайди. Ўқувчилар бу тажрибадан одам ҳам электр заряд манбаи эканини тушуниб оладилар.

Хуллас, бундай тажрибаларни Ш.Набиева дарслари давомида кўплаб ўтказади. Ўқитувчиларнинг бу муаммога жиддий ёндашуви ўқувчиларни нафақат дарс ва ўқув жараёни, балки мактаб ва синфдан ташқари вақтларини бекор ўтказмасликка, меҳнат қилишга, ижодкорликка ундайди. Шунингдек, мустақил билим эгаллаш, фикрлаш ва ижод қилиш малакаси ошади, унда ўз билими билан кашфиёт яратишга ишонч пайдо бўлади.

Дилфуза САИДМУРОДОВА,
Тошкент шаҳар ХТББ метод маркази математика ва физика методисти,
Саодат РАСУЛОВА,
Шайхонтоҳур туман ХТБ математика ва физика методисти

БОЛАЛИК ҚЎЛАЙТАН БОҒЧАЛАР

Мактабгача таълим муассасаларига болаларни кўпроқ жалб қилиш бугуннинг долзарб масалаларидан эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки, боламизнинг мактабга тайёр ҳолда бориши, унинг кейинги фаолиятига ҳам катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам Чуст туманидаги жами 75 та мактабгача таълим муассасаларидаги педагогик, ташкилий муҳитни кўнгилдагидек йўлга қўйиб, шунинг ҳисобига уй боласини боғча боласига айлантиришга ҳаракат қиляпмиз. Айни мана шу мақсаддаги хизматларимизнинг самараси сифатида ҳозирда туманимиздаги 5200 нафар кичкинтойлар МТМларда тарбияланишаяпти. Бу кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан 617 нафар кўп деганидир. Ана шу ўсишга эришиш учун 2-"Чинор" МТМда битта махсус гуруҳ очилиб, унга 12 нафар нутқида камчилиги бор болалар қабул қилинди. Шунингдек, 10 та қисқа гуруҳлар ташкил қилиб, 200 нафар болакайлар уларда машғул бўлишмоқда.

Албатта, буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Боғча мудиралари ҳар 3 йилда, тарбиячилар эса ҳар 5 йилда ўз малакаларини ошириб келишини қатъий мунтазамлилик асосида йўлга қўйганмиз. Шунга кўра вилоят бўйича ўтказилган аттестация натижаларини ҳам ҳисобга олган ҳолда малакали кадрларни МТМларга тортиб, уларнинг салоҳиятидан болажонларга наф тегадиган қилиб, унумли фойдаланишга интилаяпмиз. Умуман оддий энагадан тортиб мактабгача таълимга масъул бўлган раҳбар ходимгача мавжуд камчиликларни бартараф этиб, ўрнак оладиган томонларимизни кўпайтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Зеро, болалар ҳозир бизнинг қўлимизда бўлса, вақти келиб ўзимиз уларнинг қўлида иззат-икромда бўламиз.

Марҳабо АҲМЕДОВА,
Чуст тумани ХТБ мактабгача таълим бўлими услубчиси

Бошланғич синфда эгалланган билим нафақат юқори синф, балки инсоннинг кейинги ҳаёти пойдевори ҳам саналади. Бу пойдеворнинг нақадар мустаҳкам бўлиши эса бошланғич таълим ўқитувчисининг қанчалик изланиши ва фидоийлигига боғлиқ жараёндир. Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманидаги 21-мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчиси Дилором Қаюмова ҳар гал синфга кирганида шунга монанд тарзда ҳаракат қилишга интилади.

Суратда: Д.ҚАЮМОВА, ўқувчиларга табиат тўғрисида гапириб бермоқда.

Бурҳон РИЗО олган сурат.

E'tibor

ҲОКИМНИНГ ЁНИДАГИ КИШИ КИМ?

Қўшни Олот туманига тўйга бордик. Камтарона, бежиримгина тўйга ташриф буюрган туман ҳокими даврага қўшиларкан ёнига орқа ўриндиқда ўтирган зиёлинамо кийинган кишини таклиф қилиб, илиқ суҳбатлашиб ўтирди. Ҳайрон қолдик: ҳоким эътиборига тушган киши ким бўлди экан? Ўзаро кўп тахминлар қилдик. Ўз навбатида ҳоким ёшларни табриклади, уларга бахт-саодат, аҳиллик, тотувлик тилади.

Тўй якунланиб, қайтаётганимизда сабрим чидамай бизни кузатгани чиққан мезбондан ҳокимнинг ёнидаги киши кимлигини сўрадим.

—Ҳа-а, у киши ўқитувчимиз бўладилар. Янги ҳокимимизнинг одатлари шунақа, қаерга борсалар, албатта, ўқитувчиларни ёнларига олиб ўтирадилар. Ажойиб инсон-да.

Тўғриси, бу жавобни эшитиб, кўнглимга нур инди. Заҳматкаш, фидойи ўқитувчиларимизни эъзозлаш Президентимиздан бошланган эди. Ҳокимларимиз ҳам бу анъанага собит эканлар, отадай улуғ устозларимиз қадри ҳамиша баланд бўлаверади.

О.ЗОҲИДОВ.
Қоракўл тумани

МАҚСАД САРИ ИНТИЛМОҚ КЕРАК

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИР СОАТЛИК ДАРСДАН ЧИҚАРГАН ХУЛОСАЛАРИ ШУНДАЙ БЎЛДИ

Инсоният тарихи ғоялар тарихидир. Пайдо бўлган, ривожланган, таназзулга юз тутган, барҳаёт давлат ва жамиятларнинг ҳар бирининг ўз мафкураси мавжуд бўлган.

ХХ аср сўнгида истиқлолга эришган Ўзбекистонда ҳам жамият аъзоларини бир мақсад йўлида бирлаштириш, эркин ва фаровон ҳаётни таъминлаш учун миллий мафкурани яратиш эҳтиёжи туғилди. Ушбу эҳтиёжнинг самараси ўлароқ миллий истиқлол ғояси юзага келди. Миллий истиқлол ғоясини ўқувчилар, талабалар онгига сингдиришда барча таълим турлари ўқув режасига ушбу фан киритилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январда имзоланган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисидаги фармойиши бу борада муҳим аҳамият касб этди.

"Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фани тез орада зарур, ўқувчилар қизиқиш билан ўрганаётган дарслардан бирига айланди. Бу фан юзасидан ўз тажрибасига таяниб иш кўраётган ўқитувчилар кўп. Изланишлар давом этмоқда. Шу сабабли илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ижодкор, ташаббускор, изланувчан ўқитувчиларнинг тўплаган тажрибаларини ҳамкасбларига етказиш эҳтиёжи юзага келди. Газетамиз саҳифаларида "Milliy istiqlol g'oyasi" рукни остида мамлакатимизнинг энг илғор, ижодкор ўқитувчилари иш тажрибаларини ёритиб боришга қарор қилдик. Ушбу материаллар "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фани ўқитувчиларига қўл келади, деган умиддамиз.

Ёдингизда бўлса, ўтган йили "Энг яхши маънавият фани ўқитувчиси" кўрик-танлови ўтказилган эди. Акмал Икромов туманидаги 229-мактаб ўқитувчиси Дилдора Фахриддинованинг "Вайронкор ғоя ва мафкуралар" дарси юқори баҳоланиб, у туман босқичида I, шаҳар босқичида II ўринни эгаллаган эди.

Биз Д.Фахриддинованинг иш тажрибасини ўргандик. Унинг ўз қўли билан тайёрлаган кўргазмали қуроллари, тест топшириқларини бажариш ва баҳолаш мосламалари билан танишар эканмиз, ўқитувчининг изланувчанлиги, ижодкорлиги яққол намоён бўлди. Тестлар учун ишланган мослама 8 бўлакдан иборат бўлиб, 8 та бўлимга оид саволлар ёзилган. Ўқувчилар саволга жавоб бергач, махсус бўлимларнинг орқа томонини ўгиради, жавобининг тўғри ёки нотўғри эканини ўзи кўради ва жавобига ўзи баҳо қўяди. Дилдора Низомий номидаги ТДПУни тугатгач, фақат бир мактабда ишлади. Бунга ҳам 24 йил бўлди. У ҳар бир дарсида қўшимча адабиётлар, "Кобуснома", "Ҳадислар", Президент асарлари, газета ва журнал материалларидан кенг фойдаланади. Ўз ўрнида дарслик хусусида мулоҳаза ва таклифларини билдириб боради.

—7-синф учун чоп этилган О.Мусурмонова муаллифлигидаги дарсликнинг I-II чорак учун мўлжалланган қисми анча мураккаб, — дейди Д.Фахриддинова. — Айрим гаплар ярим бетни ҳам ташкил этгани учун ўқувчилар мавзуни тушунолмай қоладилар. Жумладан, "Тараққиёт ва мафкура", "Ҳуқуқий маданият" мавзуларини соддалаштириб бериш зарур эди.

Мен ўқувчиларни фаоллаштириш учун "Сен ўйла, мен жавоб берай", "Юлдузлар тилга кирганда" каби электр мосламалардан, турли мавзуларга оид бошқотирмалардан, шеърлардан кенг фойдаланаман. Бу бошқотирмаларни ечиш орқали ўқувчиларнинг ўтган мавзу бўйича билимлари баҳоланади. Бошқотирмаларни турли сурат ва шаклларда тайёрлайман. Масалан, диний-фанатизм ҳақидаги бошқотирмани елпиғич шаклида тайёрладим, сабаби диний фанатизм диний ақидапарастликдир, ақидапарастлик оқими эса Афғонистондан елпиғичдан чиққан шамол сингари кўп жойларга тарқалганига ишорадир. "Тероризм" номли бошқотирмани кўп қаватли бино шаклида тайёрлаганимнинг сабаби эса 11 сентябрда Америкадаги кўп қаватли бино террористик ҳаракат туфайли портлаганини эслатишдир.

Д.Фахриддиновада бундай бошқотирмалар жуда кўп. Бошқотирмадаги сўзларнинг бош — 1-ҳарфларидан вайронкор мафкурани илгари сурувчи диний-фанатизм сўзини келтириб чиқариб, бу оқимнинг моҳиятини тушунтириш мумкин. Қуйидаги саволларга жавоб топиш орқали ҳам мавзу мустаҳкамланади, ҳам фанатизм сўзи келиб чиқади:

1. Вайронкор ғоялар инсон бошига нима келтиради? — Фалокат.

2. Афғонистонда қандай оқим ривожланган эди? — Ақидапарастлик.

3. Гиёҳвандликка берилган инсонлар оқими қандай одамга айланадилар? — Ногирон.

4. 2001 йил 11 сентябрь фожиаси қаерда содир бўлди? — Америка Қўшма Штатларида.

5. 1999 йил 16 февраль воқеасига дахлдор бўлган — адашган кишилар нима учун кечирилди? — Тавбаси учун.

6. Уларга ўзларини оқлашлари учун нима берилди? — Имконият.

7. Инсон қандай одат ва ишлардан ўзини тийиши керак? — Зарарли.

8. Вайронкор ғояларга қарши курашда инсон нима орқали ўз мақсадига эришади? — Маърифат.

Иккинчи жаҳон уруши давридаги бошқотирмада ўқувчилар кўп нуқта ўрнига зарур сўзларни топиб қўядилар.

1. Зулмкорлик инсон бошига .... келтиради (фалокат)

2. Жиноят учун жазо олганлар ... надомат чекадилар (афсус).

3. Золимлар қалбида... йўқ (шафқат).

4. Мусулмончиликда зулмкорларни ... деб атайдилар (имонсиз).

5. Бузғунчи ғоялар жамиятга ... келтиради (зарар).

6. Вайронкор ғоялар тизимидан вайронкор ... келиб чиқади (мафкура).

Кўп нуқта ўрнига зарур сўзлар қўйилгач, ўз миллатини ягона, олий ирқ деб ҳисобловчи оқим — фашизм сўзи келиб чиқади. Фашизм эса вайронкор мафкурадир, сўнг у ҳақда суҳбат ўтказилади.

Д.Фахриддинова дарсидаги бир усул бизга жуда ёқди. У синф тахтасига Нега? Нима максадда? Качондан бери? Тугайдими? Нима қилмоқ керак? каби сўроқларни ёзиб, вайронкор ғоялар тўғрисида саволлар берди. Ўқувчилар 4 саволга жавоб бергач, 5-саволга жавоб топишлари учун магнитофон тасмасидан Ўзбекистон Халқ артистлари Сора Эшонтўраева ва Ёқуб Аҳмедовлар ижросидаги она ва ўғил диалогини эшиттирди.

Муаллиф:

— Йўловчи ҳориб чарчайди, у иссиқдан, сувсизликдан ҳолдан тойган, охири у бир чашмани кўради, бориб қараса, чашма қуриган. У ҳолдан тойиб йиқилади.

Ўғил:

— Хўш, у нима қилсин?

Она:

— Ғоз турсину олға қараб борсин.

Ўғил:

— Нега?

Она:

— Янги чашмани топмоқ учун.

Ўғил:

— Агар у чашма ҳам қуриб қолган бўлса-чи?

Она:

— Яна ғоз турсину, олға қараб қадам боссин.

Ўғил:

— Нега, нега ахир?

Она:

— Ўз мақсадига етмоқ учун.

Диалог эшиттирилгач, ўқувчилар шундай хулоса чиқардилар:

— Мақсад сари интилмоқ керак, бизнинг мақсадимиз эса йўлимиздаги вайронкор ғояларни тарғиб қилувчи тўсиқларни енгиб, олға бориш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишдир. Бунда биз ўғилдан ибрат олмоғимиз керак.

Шундан сўнг ўқитувчи бунёдкор ва вайронкор ғоялар ўзаро курашиб келганини, доимо бунёдкор ғоялар ғолиб келишини баён қилди. Ўқувчилар синфий, миллий, умумбашарий, бунёдкор ғоялар эзгулик сари етакловчи ғоя эканлигини яна бир бор эслаб ўтдилар. Турли таъсирчан воситалардан фойдаланиб, одамларни сохта ва пуч ғояларга эргаштирадиган, уларнинг куч-қудратини бузғунчилик ва жиноятга йўналтирадиган, инсоният учун фақат кулфат келтирадиган вайронкор ғояларга нисбатан нафрат уйғотилди. Вайронкор ғоялар ёвузлик учун хизмат қиладиган, инсонларга кулфат келтирадиган ғоялар эканлигини ўқитувчи шунчаки тушунтириб бермай, ўз ижодидан намуна ҳам ўқиб берди:

... Саволлар ёғилар қалбнинг тубидан,
Юрак эзилади тарих сўроғидан,
Алангада ёнган Бруно қани?
Териси шилинган Насимий қани?
Отилган Қодирий, Чўлпоним қани?
Ёвузлик қурбони аждодим қани?
Жиҳоднинг ханжарин ушлаган қани?
Онасин тириклай кўмганлар қани?
Уларни ким туққан инсонми ахир?
... Ёвузлик қонида йўқ бўлганларнинг,
Онадан пок бўлиб туғилганларнинг,
Қўлига қуролни берганлар кимдир?

Ижодкор муаллиманинг бу шеъридан вайронкор ғоялардан сақланиш керак, деган хулосани ўқувчиларнинг ўзлари келтириб чиқаришлари, табиатга, сувга, бебаҳо неъмат — нонга беписандлик, уларни увол қилиш ҳам вайронкор ғоянинг бир кўриниши деб баҳолашлари дарснинг энг катта ютуғидир. Албатта, Д.Фахриддинова фақат дарслик билан чегараланмай, қўшимча адабиётлардан фойдалангани учун, интерфаол усул — муаммоли саволга бир неча ечимлар топиш орқали ўқувчиларни фаоллаштириб олгани учун мазмунли дарс ўтишга муваффақ бўлмоқда. У амалий машғулотларда ҳам ўз тажрибасидан фойдаланмоқда. Зеро, амалий машғулотлар учун аниқ, тайёр кўрсатмалар, услубий ёрдам берувчи қўлланмалар ҳали йўқ. Шунинг учун биз Дилдора Фахриддинованинг 7-синф учун 1 соатлик амалий машғулоти сценарийсини ўқитувчиларга намуна тарзида бермоқдамиз.

Мавзу: "Экологик суд".

Мақсад: Ўқувчиларни табиатга меҳрли қилиб тарбиялаш. Уни асраб-авайлашга ўргатиш, табиатга бўлган муҳаббатини ошириш.

Услуб: Саҳналаштирилган дарс.

Дарс жиҳози: Китоблар, расмлар, буклетлар.

Дарснинг бориши:

Мавзуни ёритиш учун олдиндан тайёргарлик кўриш мумкин.

Суд жараёни. Жабрланувчилар: Арик, Дарё, Балик, Дарахт, Атмосфера — сўзлари ёзилган қоғозни ушлаб турган ўқувчилар ўз жойларини эгаллайдилар.

Судланувчи: Ўз ихтиёри билан бир ўқувчи чиқиб "Инсон" деб ёзилган сўз билан жойига ўтиради

Судья, ёрдамчилари ўтирадилар. Столда "Судья" деб ёзиб қўйилган.

"Оқловчи" деб ёзилган столга бир ўқувчи, "Қораловчи" деб ёзилган столга бир ўқувчи ўтиради.

Суд бошланади.

Судья: Қораловчи, биринчи сўз, Сизга.

Кораловчи:

—Ҳурматли судья, мен Инсонни ушбу жабрланувчиларнинг ҳалокатга учрашларига сабабчи бўлгани учун қоралайман. Яхшиси, уларнинг ўзларига сўз берсак.

Арик:

—Менга бир қаранг, илгари тиниқ эдим. Ҳозир эса мени ахлатлар билан тўлдириб ташлашди.

Дарё:

—Шошманг, Ариқжон, сиз менчалик жабр кўрмадингиз, менга заводларнинг чиқиндиларини оқиздилар.

Балик:

—Сиз ҳам шошманг, Дарёхон, сизда яйраб яшардим, борган сари сассиқ сувингизда ҳалок бўлиб боряпман.

Дарахт:

—Ҳа, сизларга қийин экан, менга ҳам қийин, шохларимни синдиришганда жоним азоб чекди, қуриб боряпман, мева бермай қўйдим. Мени инсоннинг ўзи экади, ўзи мевамни ейди, ўзи азоб беради, ўзи синдиради, ўзи қуритади. Ахир, атмосферани тозалаб бераман-ку. Шундай эмасми, Атмосфера, гапиринг.

Атмосфера:

—Тўғри, мен гапирмай ким гапирсин. Тўкилган бардларни ёққанларида, машиналардан чиқаётган тутундан эзилиб кетаман. Менинг бағримда Инсоннинг ўзи яшаб туриб, ўзи нафас олади-ку, бузилган ҳаводан нафас олса ўпкаси касалланади, буни Инсон жуда яхши билади.

Кораловчи:

—Ҳурматли судья, гувоҳларни чақирсак, унинг номи Эзгулик.

Эзгулик:

—Мен Инсон билан қариндошман Фақат мен тозалик учун курашаман, табиатни асрайман, дарахтлар экаман, гул ўстираман. Олов ёқиб ҳавони булғатишларига йўл қўймайман. Мени ўз амали деб билган чин инсонлар яратувчилик билан машғул бўлсалар, бунинг акси бўлган кишилар афсуски зарарли юмушлар билан шуғулланишади.

Судья:

—Оқловчига сўз берамиз.

Оқловчи:

—Мен ўз ҳимоямдаги Инсоннинг яхши томонлари кўплигини инобатга олишингизни сўрайман. У, Балиқнинг чиқиндилардан заҳарланиб, қийналиб ўлишининг олдини олиш учун динамит портлатиб ёки ток билан ўлдириб қийналмасдан ўлишига ёрдам берди. Ўлган балиқларни бошқаларга сотди, одам уни ейди. Бу яхши иш эмасми?

Кораловчи:

—Мен инкор этаман. Бу броконьерлик-ку!

Эзгулик:

—Мен ҳаммасини ўз кўзим билан кўрдим. У қонунга хилоф иш қилди.

Судья:

—Суд қарор қилади:

Инсонлар бор экан, улар доимо эзгулик ва ёвузлик ўртасида яшайдилар. Яхшиликни танлаган инсоннинг номи абадийдир, ёвузликка юз тутган инсон ўз номини ўзи ўчиради. Эй, Инсон, табиатни асраш ўз қўлингда. Табиатга озор берганинг учун сен айбдорсан. Сенинг табиатга озор берганинг ногирон болалар, касалманд инсонларнинг кўпайишига сабаб бўлди.

Ҳукм:

—Сенинг номинг бошқа инсонлар қалбидан ўчирилади. Ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ. Табиат азият чекмаслиги керак.

Дарс сўнгида суд юзасидан мунозара уюштирилади.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

Milliy istiqlol g'oyasi

БЕЛЛАШУВГА КАТТА ИШОНЧ БИЛАН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бунда олдингиларга нисбатан икки баравар кўп, яъни 508 нафар иштирокчи қатнашади. Чунончи, кимё, биология, математика, информатика, физика фанларидан бўладиган баҳсларда вилоят фан олимпиадаларида 1-3-ўринни эгаллаган умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари, шунингдек, академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг 1-2-курс ўқувчилари иштирок этадилар. Мақсад — иқтидорлилар орасидан энг муносиб, энг сара, энг истеъдодли ўқувчиларни халқаро олимпиадаларга танлаб олишдир. Улар юртимиз байроғини жаҳон майдонларида янада баланд кўтаради, деб умид қиламиз.

— Ҳозир бошланган олимпиаданинг янада ўзига хослиги математика, информатика, иқтисодий билим асослари, география ва чизмачилик фанлари бўйича мусобақа икки турда (тест синови, амалий иш), она тили ва адабиёт, ўзбек тили, рус тили ва адабиёти (ўзбек гуруҳларида), рус тили ва адабиёти (рус гуруҳларида), инглиз, немис, француз, қозоқ ва тожик тиллари ҳамда қорақалпоқ тили ва адабиёти фанлари бўйича беллашувлар уч турда (ёзма иш, оғзаки ижодий иш, тест синови) ўтказилаётганидир, — дейди ташкилий қўмита аъзоларидан бири, РТМ директори Г.Алимова. — Натижада ғолибликка даъвогарларнинг умумтаълим фанларидан олган билим, кўникма ва малакаларини ҳар томонлама синаб кўриш имкони туғилади.

Умуман, "Олимпиада — 2003" қатнашчилари марказ раҳбари таъкидлаганидек, кўп қиррали синовларга тайёрми? Ўғил-қизларда билим ва кўникмалар етарлими? Биз беллашув аввалида шу сингари саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

— Билимимга ишонаман, — дейди Косон туманидаги 13-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Бекзод Назаров. — Ҳуқуқшунослик фани бўйича вилоятда уч йил қаторасига биринчиликни қўлга киритдим. Ҳозир менда айни беллашув олдидан бироз ҳаяжон ҳам йўқ эмас. Сабаби, бу ерга келганларнинг ҳаммаси ўз ҳудудларида ғолиб бўлишган. Бугун устозларим берган билимни, дарслик ва қўшимча адабиётлардан олган тушунчаларимни қурол қилиб беллашувга кираяпман. Фикримча, инсонда интилиш, катта ишонч бўлса, ғолиблик шоҳсупаси сари йўл очилиши шубҳасиз.

Очиғи, ким билан суҳбатлашмайлик, олимпиада қатнашчиларининг барчаси ғолиб бўлишига шубҳа қилмаётганини таъкидлашди.

* * *

Инсон ҳаётида унутилмас дамлар доим ҳам бўлавермайди. Кутилган ва кутилмаган бундай лаҳзалар эса ўша маҳалда инсонни ҳаяжонлантирмай қолмайди, албатта. Айни кунларда мамлакатимизнинг 508 нафар фарзанди — республикамиз умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари умумтаълим фанлари олимпиадасининг якунловчи тўртинчи босқичида иштирок этишмоқда. Демак, улар кутилган ҳаяжонни меъёрида ушлаб туриб, ақл кураши майдонида беллашмоқдалар. Ана шу ақл кураши майдонида беллашмоқни ният қилганларнинг 14 нафари республикамиздаги махсус мактаблар ўқувчилари бўлгани боис имтиҳонлар ўтказиладиган пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги Йўлдош Охунбобоев номидаги кўзи ожизлар махсус мактаб-интернатида бўлиб, мазкур таълим муассасаси раҳбари Маҳбуба Эшонкуловадан бу жараёнга тайёргарлик хусусида сўрадик.

— Яқиндагина Наврўз айёмини нишонлаган бўлсак-да, бу даргоҳда ҳали байрам шукуҳи давом этмоқда, — деди у. — Негаки, асосий имтиҳонлар бугун бошланса-да, вилоятлардан келган олимпиада иштирокчилари ва уларнинг бошқарувчилари икки кун олдин келишиб, ётоқхонага жойлашдилар ва имтиҳон бўладиган хоналар билан танишиб чиқдилар. Хуллас, уларнинг имтиҳонларни кўнгилдагидек ўтказишлари учун шароитлар яратиб берилди.

Ҳар қандай курашда кучлиларгина зафар қучишади. Кучлилар эса албатта, рағбатлантирилади. Олимпиада ғолиблари талабалик деган номга сазовор бўлишади. Демак, кимлар учундир ғолиблик онлари яқин...

Бир неча турда қизғин ва муросасиз тарзда ўтиши кутилаётган умумтаълим фанлари бўйича умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи каби таълим муассасалари ўқувчиларининг республика фан олимпиадаларининг якунловчи — IV босқичи натижалари билан газетамизнинг навбатдаги сонларида батафсил танишасиз.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Шерали НИШОНОВ,
"Ma'rifat" мухбирлари

Суратларда: умумтаълим фанлари Республика олимпиадаси очилиш маросими ва беллашув жараёнидан лавҳалар акс этган.

Бурхон РИЗО олган суратлар

ИМКОНИЯТ ТОПАЁТГАН КОЛЛЕЖ

Юртимизда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг тадбиқ этила бошлаганидан буён ўтган қисқа давр ичида республикамизнинг қатор шаҳар ва қишлоқларида бир-биридан кўркам коллежлар қурилиб, уларда маҳаллий ёшлар касб-ҳунар сирларини ўргана бошлашди.

Махсус мухбиримиз яқинда Қамаши туманида фаолият кўрсатаётган педагогика ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида бўлиб, амалга оширилаётган ишларни ўрганиб қайтди.

ЖАМОА АҲИЛ, РАҲБАР ТАДБИРКОР

Сўз бошида шуни айтиш керакки, Қамаши педагогика ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг ўта кўркам ва салобатли биноси ҳукуматимизнинг ёшлар таълим тарбиясига бўлган муносабатининг яққол намунасидир.

Коллежда айни кунда 55 нафар тажрибали, фидойи устозлар 789 нафар ёшларга педагогика ва иқтисодиёт йўналишлари бўйича таълим-тарбия беришаётир. Барча шарт-шароитлар яратилган 200 ўринли ётоқхона, спорт зали, маънавият ва маърифат хонаси, соғломлаштириш ва тиббий ёрдам кўрсатиш хонаси, компьютер ва лингофон хоналари, қизлар хонаси, кутубхона ва қироатхона, ошхона ва чойхона, барча-барчаси талабалар хизматида. Коллежда айни кунда 18 номдаги фан ва спорт тўгараклари фаол ишлаб турибди.

— Жамоамиз аъзолари ўзаро аҳил. Уларнинг барчаси ўз соҳасини яхши биладиган фидойи инсонлар, — дейди коллеж директори Нормўмин Абиров. — Биласизми, 2001 йилда коллежимизга юртбошимиз Ислом Каримов ташриф буюриб, жамоамиз аъзолари билан юзма-юз туриб, келгусидаги ишларимиз нималардан иборат бўлиши ҳақида гапирганлар.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда жамоамиз аъзолари Юртбошимизга берган сўзларининг устидан чиқиш учун бир жону бир тан бўлиб меҳнат қилишаяпти...

— Коллежимиз директори ўта тадбиркор ва ишбилармон раҳбар, — дейди кекса устозлардан бири Бозор ака Узоқов — Айни кунда коллежимиз қошида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган цехлар фаолият кўрсатаяпти. Буларнинг барчаси давр талабидаги ишлар. Энг муҳими, ўқувчилар қўшимча касб-ҳунар ўрганишаяпти ва яна коллежимиз бюджетига яхшигина даромад тушаяпти. Буларнинг барчасида жамоа аъзоларининг, уларнинг ишбилармон раҳбари Нормўмин Абировнинг катта хизматлари бор...

УЗЛУКСИЗ ЖАРАЁН

Коллежда ташкил этилган цехларнинг бири "Бичиш цехи" деб аталади. Бичиш ишлари махсус машинада бажарилади. Бу цехда устоз Зулхумор Рустамова раҳбарлигида талабалар турли спорт ва ички кийимларни бичиб, "Трикотаж" цехига ўтказадилар. Худди шу "Бичиш цехи"нинг ўзида кўрпа, кўрпача, ёстиқ, қўрпа-тўшак жилдлари, болалар ва катталар кўйлаклари ҳам бичилиб, "Тикувчилик цехи"га ўтказилади.

Kasb-hunar kollejlarida

"Тикувчилик" ва "Трикотаж" цехларида талабалар устоз Раҳимахон Худойбердиева раҳбарлигида "Бичиш цехи"дан келтирилган маҳсулотларни тайёр ҳолатга келтириб, махсус текширув гуруҳига ўтказадилар.

"Тикувчилик" ва "Трикотаж" цехларида эски русумдаги 24 та ва янги русумдаги 28 та "Зингер" тикув машиналари ўрнатилган. Барча ишлар техника хавфсизлиги қоидалари асосида ташкил этилган.

— Коллежимизда ташкил этилган цехларда тайёрланаётган кўрпа, кўрпача, ёстиқ ва кўрпа-тўшак жилдлари, спорт кийимлари асосан вилоятимиздаги коллежларга жўнатилаётир, — дейди коллеж директори. — Ҳозиргача Қашқадарё вилоятидаги барча коллежларни гилам билан асосан биз-нинг коллежимиз таъмин этаяпти...

ТУРК ГИЛАМЛАРИ ТЎҚИЛМОҚДА

"Гилам тўқиш цехи"га Райҳон Турсунова раҳбарлик қилади. Цехда "Арабби", "Терма", "Хива" нусхадаги гиламлар тўқиш йўлга қўйилди. Ўтган 2002 йилда коллеж чеварлари "Тажриба" деб аталувчи Туркия гиламларини тўқишга киришдилар.

— Гиламларимиз ўзингиз кўрганингиздек оддий металл қувурларни пайвандлаш усулида ясалган содда қурилмаларда, қўлда тўқилади-дейди цех бошлиғи Райҳон Турсунова. — Бизнинг маҳаллий ёшларимизда гилам тўқишга алоҳида қизиқиш бор. Бу ишга ҳатто ўғил болаларимиз ҳам қизиқишади. Аслини олганда ҳам гилам тўқиш — санъат. Бу ишда ихтиро ва яратувчанлик, топқирлик ва юқори дид керак. Мана Туркиянинг гиламларини ҳам бинойидек чиқараяпмиз. Бу гиламлар ўта чиройли, харидорни ўзига чақирадиган гиламлар. Уни уйга тўшасангиз ҳам, деворларга осиб қўйсангиз ҳам бўлади...

Қамаши педагогика ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежидаги "Бичиш", "Тикувчилик", "Трикотаж" ва "Гилам тўқиш" цехлари бирлаштирилган ҳолда "Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш мажмуаси" деб аталади. Ана шу мажмуада 2002 йилда 9 миллион сўмдан ортиқ миқдордаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, сотилди. Мажмуа коллежга 2,5 миллион сўмга яқин соф фойда келтирди.

Мана сизга даромад! Мана сизга тадбиркорлигу ишбилармонлик!

— Ҳозир ҳамёнимизда пулимиз бор. Пули бор одамнинг қўллари узун, сўзлари қатъий бўлади, — дейди тадбиркор раҳбар Нормўмин Абиров ҳазил аралаш. — Жойлардан шартномалар тузиб, "Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш мажмуаси" учун керакли маҳсулотларни олиб келаяпмиз. Насиб бўлса, жорий йилда соф фойдани 3 миллион сўмдан ошириш ниятидамиз...

Пул ҳаммага керак. Нима дедингиз? Фақат бир нарсани унутмаслигимиз керак. Ўша пул худди Қамаши педагогика ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи жамоаси топаётгандек ҳалол йўл билан топилсин ва таълим-тарбия ривожи учун сарфлансин. Ўшанда пул топган жамоа аъзоларининг қўллари коллеж директори Нормўмин Абиров айтганларидек узун, сўзлари қатъий ва янада кескинроқ бўлади.

Абдували ОБИДДИН,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Suvonqul mualim bu gaplarni men kabi jimgina tinglar, ora-sira amakisining gaplarini ma'qullab, jilmayib qo'yardi. Yaxshi kishilar o'z mehnatlari samarasini boshqalardan eshitsa, xuddi shunday kibrlanmasdan some' turishini men shu tobda ko'rib turardim.

Biz shuni unutmasligimiz kerakki, inson uchun eng yaqin do'st ham, sirdoshu maslahatgo'y ham kitobdir. Modomiki, biz kitobning hammadan ko'ra aqlli,dono, yo'lboshchi do'st ekanligini ko'rib, tan olib turar ekanmiz, unga ijobiy munosabatni tubdan qayta shakllantirishimiz kerak.

КИТОБДАН ЯХШИРОҚ ДЎСТ БЎЛМАС

Bugunning muammosi

Башариятнинг энг буюк ихтироларидан бири китобдир. Қадимда хаттотлар қўлёзмаларни бежирим тарзда оққа кўчиришган, нақкошлар безак билан безашган, муқовасозлар унга зеб беришган. Муқаддас "Авесто" эса терига ёзилган. Ҳозирги вақтда китоб босишнинг энг замонавий ва осон технологиялари мавжуд. Ҳар йили республикамизда минглаб нусхада бадиий, илмий, сиёсий мазмундаги китоблар нашр этилади. Улар дарсликми, қўлланмами, бадиий адабиётми, бундан қатъи назар, тафаккур маҳсули ва яна худди шу мақсад учун хизмат қилади. Аммо бугунги кунда нафақат катта ёшлилар, балки мактаб ўқувчилари ўртасида ҳам китобхонликнинг сустлашганига гувоҳмиз. Бу фожиани бартарф этиш эса ўз қўлимизда. Лекин қандай қилиб? Суҳбатдошимиз — педагогика фанлари доктори, профессор Қумри Абдуллаева ана шу ҳақда қайғуради.

—Қумри опа, сиз таълим-тарбиянинг мукаммал, рисоладагидек бўлишига ўзингизнинг камтарона улушингизни қўшиб келаётган олимасиз. Ҳозирги ёшларнинг бадиий адабиёт билан ошно бўлиши мақтайдиган, қониқадиган даражада эмас. Сизнингча, бунга монелик қилаётган нарса нима?

—Тафаккур калити бўлган китобнинг кишилик жамиятида тутган ўрни ҳақида ҳар қанча гапирсак ҳам оз. Ҳар бир китоб, бадиий адабиёт намунаси муаллифнинг ақл тарозисидан, юрак чиғириғидан ўтади, қоғозга туширилади, бир неча вариантларда қайта ишланади. Болалар боп китоб ёзишнинг эса ўзига хос мураккабликлари бор. Сабаби, асар муалллифи катта ёшда, уни қўлига оладиган китобхон эса мактаб ўқувчиси. Демак, ёзувчидан ёки шоирдан ўзини бола ўрнига қўйиб фикрлаш, шундан сўнггина шеърий ёхуд насрий асар ёзиши талаб қилинади.

Умуман, китобхонликнинг сусайиб кетганлиги кўтаришга арзийдиган муаммо. Лекин мен бу фикрни барча оилаларга нисбатан айтмасдим. Шундай зиёли оилалар борки, болаларидан тортиб ота-онаю, буви-бувасигача китобхон. Улар китоб ўқишни энг севимли машғулот деб биладилар, ўзгаларни ҳам шунга ундайдилар. Илм-фаннинг асл моҳиятини теран англаган кишиларгина китобга шундай муносабатда бўлишади. Лекин бундай оилалар кўп эмас.

Китобхонликка ғов бўлаётган нарса нима, деган савол кўпинча мени ҳам қийнайди. Буни ўтиш даврига хос ҳолат деб хулоса қилсак, унчалик тўғри бўлмас. Айбни ўзимиздан ахтаришимиз керакка ўхшайди. Илгариги даврга нисбатан одамларда кийинишга, мол-дунё тўплашга иштиёқ кучайиб кетди, назаримда. Кузатсангиз, турли муассаса ва ишлаб чиқариш корхоналарида ишлайдиган аёллар пул йиғиб ёки қарз-ҳавола қилиб бўлса-да,ўзларига қимматбаҳо зебзийнатлар олишади, лекин боласига арзимас пулга китоб харид қилмайди. Тўй-маъракага тоғора кўтариб боришни ўзига мажбурият деб билган аёллар боласини театрга, музейларга, кўргазмаларга олиб боришни зарурат деб ҳисоблашмайди. Кўряпмизки, китоб мутолаа қилишдек бахтдан ҳам ўзимизни ўзимиз маҳрум қиляпмиз. Замонада, даврда ҳеч қандай айб йўқ.

—Китоб танлаб ўқилади. Ҳар қандай болага ҳар қанақа китобни ўқиш тавсия этилавермайди.

—Мулоҳазангиз ўринли. Одатда уч ёшдан бошлаб, болани мактабга тайёрлаш босқичи бошланади. Бу ёшдаги болаларга рангли суратларга бой китобчалар совға қилинади. Улар қиммат эмас. 4-5 ёшли болалар учун эса табиат ҳодисалари, ҳайвонот ва ўсимлик оламига доир суратли-безакли китобчалар қўл келади. 6-7 ёшга яқинлашган болаларни мақсадли равишда мактабга тайёрлайдиган, уларни ўқиш-ўрганишга ҳавас орттирадиган китоблар билан дўстлаштириш керакки, токи улар мактаб деган ошёнга бутун вужудлари билан талпинишсин. Мактабда китоблар олами билан яна ҳам яқинлашиш мумкин, деган тасаввур уйғонсин.

—Сиз юқорида таъкидладингиз, ҳақиқатан ҳам китоб харид қилишга кўпчилик оилалар ҳафсала қилишмайди. Лекин бундан нолиш асоссиз ҳолат. Ахир пулини қизғонишса, кутубхоналар ҳам бор-ку?

—Дарвоқе, китоб ва кутубхонага аждодларимиз ҳам жавоҳирот сандиғи деб қарашган. Абу Али ибн Сино ҳақида ўқиган китобларимдан бирида алломага шоҳ саройидаги расадхонадан фойдаланишга рухсат берилгани ҳикоя қилинган. Буюк табиб ўзининг китоб мутолаа қилган дамларини энг саодатли лаҳзаларим, деб таърифлаган. У тонгдан шомга қадар китоб ўқир, мағзини чақар, айрим жойларини белгилаб қўяр, ақл ва билим дурдонаси юксак тафаккур эгасини кун сайин, ой ва йиллар оша камолотга элтиб борарди.

Бугунги кутубхоналар ҳамма учун очиқ ва китоблардан фойдаланиш тенг. Нурхоналардаги жавонлар эса ҳар доим тўла,зўрға "жон" сақлаб турганини кўриб, афсус-надомат билан бош ирғайман. Қанчадан-қанча китоблар жавонга сиғмай, пана-пастқамдан паноҳ топган.

Менимча, мактабга қабул қилингач, ўқув йилининг иккинчи чорагидан бошлаб ўқувчиларни мактаб кутубхонасига олиб кириш, уларнинг китоблар дунёси ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш лозим. Бу бошланғич синф ўқитувчилари зиммасидаги иш. Дарсдан сўнг олиб бориладиган бундай тадбир болаларда бадиий адабиётга қизиқишни шакллантиради.

—Китоб нафақат билим манбаи, айни чоғда бола ақлий фаолиятини ҳам ривожлантиради. Қадимда мадраса ва эски мактабларда шогирдлар ёд олдириш усули билан ўқитилар эди. Қумри опа, бу анъанани бугунги мактаблар ҳам давом эттиришса, ҳеч нарса ютқазишмаса керак.

—Ибн Сино ўн ёшида мантиқ, фалсафа, ҳисоб илмидан илк тушунчаларни ўзида шакллантириб олган. Қуръони каримни шу қадар қироат билан ўқиганки, устозлари бунга тасаннолар айтишган. Ёки ўзининг бир байт шеърий кашфиёти билан мавлоно Лутфийни ҳайратга солган Алишер Навоий 9 ёшда эканлиги тарихдан маълум.

Ҳақиқатан ҳам, ўтмишдаги аждодларимиз ҳаёти бизни ҳушёр тортишга, ўзларидан ўрнак ва сабоқ олишга ундайди. Боланинг ақлий фаолиятини ривожлантиришда шеър ва матнларни ёд олиши, эсда сақлаши, идрок этиши муҳим аҳамиятга эгадир. Булар ўқувчининг диққатини бир нуқтада барқарорлаштиришга ўргатади. То у мактаб остонасига қадам қўйгунга қадар камида 10-15 та шеърни ёд олиши, ифодали айтишга ўрганиши керак. Қанчалик кўп шеърни ёддан билса, боланинг қувваи ҳофизаси шунчалик мустаҳкамланади.

—Дарслик ҳам китоб, улар жуда кўп ва хилма-хил, бунинг устига уларнинг миллий рухда қайта ишланаётганлиги қувончли ҳодиса. Уларнинг мазмун-мундарижаси, безатилиши ҳақида нима дейишингиз мумкин?

—Дарсликларнинг асосий қисми янги имлода чиқариб бўлинди. Уларнинг мазмун-мундарижаси ҳақида турли баҳс-мунозаралар бўлиб турибди. Бу — ўз йўлига. Мен фақат бир нарсани таъкидламоқчиман. Шарқ халқлари оғзаки ижодининг энг қадимги тур ва жанрларидан бири асотир ва мифлардир. Бундай руҳдаги китоблар аслида кўплаб нашр қилинган. Мактаб дарсликлари, асосан ўқиш ва адабиёт китобларига асотир, ривоят ва мифлардан кўпроқ киритиш керак, деб ўйлайман. Чунки уларнинг турганбитгани тарбия. Айрим дарсликлардаги зўрма-зўраки ҳикоялар ва пойинтар-сойинтар шеърлардан кўра, халқ оғзаки ижоди намуналарини устун қўйиш керак.

—Қумри опа, гапираверсак гап кўп. Лекин мингта гапдан битта амалий иш яхши, деганларидек китобхонликни юксак поғонага кўтариш учун умумтаълим мактабларига яна нималарни тавсия қиласиз?

—Гапириш-ку, осон, лекин бирор ишни амалга оширишга келганда, ҳафсала қилинмайди. Китобхонлар анжумани деган анъанамиз бўларди, унутилиб кетди. Мактаб ва кутубхоналарда энг кўп китоб ўқиган болалар иштирокида кўрик-танловлар, баҳс-мунозаралар, мушоиралар ташкил этиш, фаол китобхонларни рағбатлантириш, ўқувчининг ўзини ҳам мақола, эртак, шеър ёзишга ўргатиш аслида унчалик қийин иш эмас. Фақат ташкилотчилик етишмаяпти. Шу ўринда энг ривожланган давлат Япония халқи жамоат транспорти — метро, автобус, трамвайда ҳам вақтини беҳуда ўтказмаслик учун китоб мутолаасига берилишини ўз кўзим билан кўрганимни таъкидламоқчиман.

Ҳозир биламизки, барча таълим муассасаларида маънавият ва маърифат ишлари бўйича раҳбар муовинлари бор, уларга ставкаси бўйича маош ҳам тўланади. Улар кўп ҳолларда учрашув, мулоқотлар ёки бошқа оммавий тадбирлар уюштиришади. Лекин сўнгги йилларда мактабларда бундай тадбирлар фақатгина йирик саналар, байрамлар баҳонасида, қисқа фурсатли бўлиб қолди. Аслида таълим муассасаларида жамоатчилик фаолияти ҳеч қачон сўнмаслиги, болаларни фойдали ишга жалб этиш сустлашмаслиги керак.

Жумладан, китобхонлик маданиятини ривожлантиришга доир тадбирлар гўёки ҳамманинг ҳаёлидан кўтарилди. Бу мавзу кундалик турмушимизда бот-бот кўтарилаётганига қарамай, муаммо ҳолида қолиб кетаяпти. Биз шуни унутмаслигимиз керакки, инсон учун энг яқин дўст ҳам, сирдошу маслаҳатгўй ҳам китобдир. Модомики, биз китобнинг ҳаммадан кўра ақлли,доно, йўлбошчи дўст эканлигини кўриб, тан олиб турар эканмиз, унга ижобий munosabatni тубдан қайта шакллантиришимиз керак.

Суҳбатдош Ҳ.ТЎЙМАНОВА

БИЛИМЛАР ХАЗИНАСИ

Яхши кутубхона — буюк хазина. Ана шундай хазиналардан бири Андижон вилояти Марҳамат шаҳридаги Мирзо Улуғбек номли 3-ихтисослашган мактаб биносида жойлашган туман болалар кутубхонасидир. Ўқувчиларнинг севимли жойига айланган бу даргоҳ ҳамма вақт китоб ихлосмандлари билан гавжум. Маънавият ва маърифатнинг бу гўзал гулшанида "Президентимиз асарларидан намуналар", "Олий Мажлис сессияси қарорлари", "Президентимиз фармонлари", "Ёш ҳуқуқшунослар", "Ёш табиатшунослар", "Ёш ўлкашунослар", "Ёш экологлар" каби бир неча бурчак ва клублар ташкил этилган.

Зиё масканида ўтказилаётган конференциялар, адабий кечалар, учрашувлар ва мунозаралар китобхонларда катта таассуротлар қолдирмоқда.

—Кутубхоначи фақат китоб бериш ва қабул қилиб олиш билан кифояланмаслиги керак, — дейди мазкур даргоҳ мудираси Дилором Йўлдошева. — У болаларга синфдан ташқари ўқишда мураббий, китоб танлашда маслаҳатчи бўлиши лозим.

Ҳозир кутубхона 5 номда газета, 4 номда журнал олиб туради. Кутубхонанинг китоб фонди 6550 нусхага етди. Китобхонлар сони 1500 нафардан ошиқ.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ

"КИТОБ ЎҚИБ БОЙ БЎЛАСАНМИ?"

Мен яқинда китоб дўконига кириб кетаётган икки ўсмирнинг суҳбатига тасодифан гувоҳ бўлдим. Уларнинг бири дўконга кирамиз деса, иккинчиси "нима, китоб ўқиб бой бўласанми, юр ўша пулга бошқа бирон нима оламиз" дер эди. Китобга бўлган ҳурматим туфайли, уларнинг суҳбатига қўшилдим. Мен уларга "Ҳақиқатдан ҳам китоб ўқиган одам бой бўлади. Ҳадиси шарифда ҳам "Бир соатлик илм ўрганиш, бир кунлик тоат-ибодатга тенгдир", деган жумлалар бор", дея айтдим.

Эсимда, ёшлигимда онажоним бизга китобдан эртаклар, ҳикоялар ўқиб берар, уларни эшитганим сайин китобга бўлган меҳрим ортиб борар эди. Онажонимнинг билимга, адабиётга бизни қизиқтириб ўстирганлиги сабаб, мен китоб йиға бошладим. Қачон туман марказига борсам, китоб дўконига кириб, 3-4 та китоб сотиб олардим.

Ҳозирда ҳам мунтазам китоб йиғиб бораман.

Келинг, азизлар, фарзандларимизни, бозорга, пул саналга эмас, китоб ўқишга ўргатайлик. Зеро, китоб бу тарбиячи, китоб дўстдир.

Кимё ТУРСУНҚУЛОВА,
талаба

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Мамлакатимиз таълим тизимидаги туб ислоҳотлар натижасида ёшларимизнинг малакали таълим олишга, касб-ҳунар ўрганишга бўлган иштиёқи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Уларнинг ўзлари қизиқадиган олий ўқув юрти тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлгиси келади. Айни синовларга тайёргарликлар олдидан уларга бирмунча қулайликлар яратиш, республикамиздаги барча олий таълим муассасаларидаги янгиликлар, таълим йўналишлари ва бошқа маълумотларни кенг тарғиб этиш мақсадида "Ma'rifat" газетаси таҳририяти томонидан обуна ҳажмига қўшимча тарзда шу йилнинг апрель ойи иккинчи ўн кунлигидан чоп этиладиган махсус сон тайёрлашга киришилди.

Унда ҳар бир университет ёки институтга 1000 кв.см. (буюртмачилар хоҳишига қараб яна қўшимча жой ажратилиши мумкин) нашр майдони ажратилади.

Газетамизнинг республика нашрлари ўртасида энг катта тираж (32240 та)да чоп этилгани ҳамда мамлакатимизнинг барча ҳудудларига тарқатилаётганини ҳисобга олиб, унда бериладиган маълумотларнинг Сиз бошқараётган олий ўқув юрти манфаатлари учун хизмат қилишини назарда тутиб, махсус сонимизда қатнашишга таклиф этамиз.

Саҳифа учун қуйидаги маълумотлар тақдим этилиши лозим:

1. "Ректор таклифномаси" (сурати билан).

2. Мутахассисликлар йўналиши ва факультетлар ҳақида маълумот.

3. 2002 йилда мазкур олий ўқув юртига кирган (бюджет ва контракт-шартнома) талабаларнинг кириш баллари ҳақида (ДТМ ахбороти асосида) маълумот.

4. Олий ўқув юртининг умумий кўриниши акс этган сурат.

Маълумот учун телефонлар: 136-54-69 (факс), 133-37-38

Шошилинг, абитуриентлар ушбу маълумотларни интиқлик билан кутмоқдалар.

ГУЛЛАРГА ОШУФТА КЎНГИЛ

Каримахон Қосимова раҳбарлик қилаётган Олтинкўл маиший касб-ҳунар лицейи вилоятда таниқли. Ушбу билим даргоҳида чеварчилик, ҳисобчилик, бошланғич синфларда жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳуқуқшунослик ҳамда тарбиячилик йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Бу маскан нафақат ўқув-тарбия ишларида балки жамоат юмушларида ҳам пешқадам. Чунки, Карима опа ғайратли, ташаббускор, энг муҳими гўзалликнинг, гулларнинг чин шайдоси. Бу ерда мураббийлардан тортиб ўқувчиларгача гулга ихлосманд. Шунинг учун эрта баҳордан кеч кузгача бу ерда гуллар яшнаб туради.

Опа мазкур билим даргоҳига раҳбарлик қилаётганига ҳам 11 йилдан ошди. Ишга келган пайтидаги қаровсиз ерлар бугун гулзорга айланган. Опанинг талабчанлиги гўзалликка, озодаликка интилиш, ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш кўникмаси мазкур билим даргоҳини энг кўзга кўринган масканлар қаторига қўшди.

Опа ҳар бир гул уруғининг қандай келтирилганлигини эслаганда кулиб кўяди.

Дарҳақиқат гул меҳрдан унади. Опанинг ҳар бир гули унинг меҳрида юз очади. Яқинда Оқтепа худудидан гул экишга яна қўшимча жой олдилар. Бир кунда кўрсатилган ер теккисланиб, гул экилди. Эртасига тонг саҳарда гуллардан хабар олса бари бирдай яшнаб турибди. Каримахон опа ҳам гулдай яшнаб кетди. Ахир меҳнатнинг самарасини кўриш бошқачада!

Раҳбарлик лавозимию, унинг ўзига яраша инжиқликларидан ортиб, жамоат ишларини сидқидилдан бажараётган Каримахон опа ҳам гулдай яшнаб кетди. Ахир меҳнатнинг самарасини кўриш бошқачада!

Раҳбарлик лавозимию, унинг ўзига яраша инжиқликларидан ортиб, жамоат ишларини сидқидилдан бажараётган Каримахон опа гул етиштиришга доимо вақт ажратади. 6 сотихли иссиқхонасида гул уруғларини ундиради. Нафақат тумандаги ташкилотлар, балки вилоят бўйича ҳам унинг гулларига хавас қилиб, кўчатлардан олиб кетишади. Ҳозир опанинг гуллари туман кўркига кўрк қўшмоқда.

О.СИДДИҚОВ

СУВ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Tadbir

Бобом-бувижонимдан эшитганим шуки, қадим замонларда одамлар чанқаганларида ариқларга эгилиб сув ичиб кетаверишган экан. Сувга турли чиқинди нарсаларни ташлашмас, ҳовлидаги ахлатни сувга қаратиб супурмас эканлар. Сувни тежаш, унинг қадрига етиш ҳақида кўплаб ривоятлар, ҳикоялар, пурмаъно ҳикматлар ҳам бекордан-бекорга яратилган эмас. Уларни доно халқимиз обиҳаётга бўлган эътиқодлари, илоҳий неъмат сифатида қараганлари учун ҳам буларни қолдирганлар. "Сув балосидан, ўт балосидан тангрим ўзинг асра!", деган дуо ҳам шундан қолган. Сувдан оқилона фойдалана билмаслик ҳам бало келтиради.

Куни кеча Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган тадбир худди шу масалага бағишланди. Бу йилнинг БМТ томонидан "Халқаро чучук сув йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ўтказилаётган бундай тадбирлар бугунги кундаги чучук сув танқислиги муаммоси, уни тежаш каби дунё олдида турган бир қанча масалаларни ечишга ёрдам бериш мақсадида ташкиллаштирилган. Статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, дунё бўйича чучук сув муаммоси долзарб муаммога айланмоқда. Сув хўжалиги халқаро институтининг аниқлашича, сувдан бугунги кундагидек оқилона фойдаланилмаса, 2025 йилга бориб дунёдаги 5,5 млрд. киши ичимлик суви танқислигига дучор бўларкан, 1 млрд. кишига эса мутлақо ичимлик суви етишмас экан. Тадбир сўнгида мана шундай муҳим масалаларни бартараф этишда журналистларнинг ёрдами, ўрни беқиёслигини инобатга олиниб, "Экосан" халқаро жамғармаси томонидан сув мавзуси ёритилган мақолалар, кўрсатув, эшиттиришлар конкурсини эълон қилди.

Назокат ХОЛМЕТОВА

ИҚТИСОДИЁТДА РАҚОБАТ МУҲИТИ

Яқинда Тошкент давлат молия институтида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳамкорлигида "Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш муаммолари ва истиқболлари" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарни Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов кириш сўзи билан очди ҳамда мамлакатимизда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашда Тошкент Давлат молия институтининг ўрни ва аҳамияти хусусида гапирди. Шунингдек, у бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш учун институт олимларининг кўмагидан фойдаланиш ҳамда рақобат юритаётган корхоналар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш лозимлигини уқтирди. Шундан сўнг мавзу юзасидан маърузалар тингланди. Сўзга чиққан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси раиси А. Баҳромов Ўзбекистон иқтисодиётида монополияларнинг ўрни ва давлатимизнинг антимонопол сиёсати хусусида гапирар экан, уларнинг салбий таъсири, нархларнинг асоссиз ўсиб кетишига, ўзаро рақобатбардош корхоналар ривожланишида тўсиқ пайдо бўлишига, янги технологиялар жорий этилиши ва янги товарлар ишлаб чиқариш жараёнининг секинлашувига сабаб бўлишини алоҳида таъкидлади.

Шу билан бирга, иқтисодиётни эркинлаштиришда рақобат муҳитини шакллантириш муаммолари, глобаллашув шароитида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисидаги қонунчилик ва уни амалга ошириш механизмлари юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар барчанинг диққат-эътиборини тортди.

Семинар якунида мавзу юзасидан ҳамда айтилган фикр ва мулоҳазалар асосида тегишли илмий-амалий тавсиялар берилди.

Фаррух БЎТАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Ustoznoma

ЎҚИТУВЧИ – БОҒБОН, БОҒБОН – ЎҚИТУВЧИ

Мактабни битиргунимизча синфдош ўғил болалар қўлимизга илк бора қалам тутқазган устозимиз — Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Ибодулла Боймуродовнинг боғидаги ишларга қарашиб турардик.Ҳар йили баҳорнинг сўнгги кунларида эса у ерга ҳар доимгидан-да кўпроқ борардик. Чунки боғдаги тутзор нафақат биз, балки қўни-қўшни-ю, қариндош-уруғлар фарзандлари билан ҳам гавжум бўларди ўша маҳаллар. Хуллас, муаллимнинг боғидаги тут дарахтлари қишлоқнинг энг тотли тутлари эканлиги билан болаларни ўзига чорларди...

Ўтган йили меҳнат таътилида қўшни қишлоқда яшайдиган опамникига бораётиб, йўл-йўлакай биринчи муаллимимни кўриш мақсадида бугунги кунда нафақадаги ўқитувчимникига қўниб ўтдим. Айни тут пишган маҳаллар эди. Ҳовлидаги сўрида Ибодулла Боймуродов билан бирга кўришмаганимизга бешолти йил бўлган инглиз тили ўқитувчимиз, халқ маорифи аълочиси, биринчи муаллимимизнинг амакиси Сувонқул Нормуродов ўтирган экан. Ҳол-аҳвол сўрашганимиздан сўнг Сувонқул муаллимдан нафақадаги даврида нима билан машғул эканини сўрадим.

— Сувонқул нафақага чиққанидан сўнг ҳам тинч ўтиргани йўқ, — деб унинг ўрнига сўз бошлади Ибодулла муаллим. —1999 йилда хўжалик билан келишган ҳолда уч гектар ер олиб, ўз ҳисобидан 1200 туп мевали дарахт ниҳоллари қадаган эди. Мендан ҳам бир талай тут кўчатлари олган эди. Ўз вақтида парвариш қилинган ниҳоллар бўй чўзиб, олди ҳосилга кирибди.

Сувонқул муаллим бу гапларни мен каби жимгина тинглар, ора-сира амакисининг гапларини маъқуллаб, жилмайиб қўярди. Яхши кишилар ўз меҳнатлари самарасини бошқалардан эшитса, худди шундай кибрланмасдан some' туришини мен шу тобда кўриб турардим.

Дарвоқе, салкам қирқ йил Пастдарғом ва Нуробод туманлари мактабларида ёшларга инглиз тилидан сабоқ берган С.Нормуродовнинг кўплаб шогирдлари бугун мамлакат миқёсидаги корхона, ташкилотларда раҳбар бўлиб ишламоқда. Республика "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси раиси Ойниса Мусурмонова, "Самдизелускуна" Ўзбекистон — Литва қўшма корхонаси раҳбари Ғолиб Элмуродов, Тошкент вилояти давлат педагогика институти доценти Толиб Холмуродов ва Пастдарғом туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси Содиқ Исаевлардек шогирдлари борлигидан муаллим қувонса, бугунги таълим жараёнида қўлланилаётган янги педагогик технологиянинг бир қисми бўлган лингофон хоналарини туманда биринчилардан бўлиб ташкил қилган С.Нормуродовни пастдарғомликлар меҳр билан тилга олишади.

Халқимиз ўқитувчини боғбонга қиёслашади. Нуробод тумани Найманобод қишлоғидаги 15-мактаб ўқитувчиси С.Нормуродов ўқитувчи-боғбонликдан нафақага чиққач, боғбон-ўқитувчиликка ўтган экан, шу кунларда қутлуғ олтмиш ёшини нишонлаётган устоз ҳақида шуни таъкидлашни жоиз билдим: ҳар иккаласи ҳам савоб иш. Бу касб эгалари қачон, қаерда бўлишмасин, улар номига савоб ёғилиб туради.

Шерали НИШОНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Agar markazning nomlanishiga e'tibor beradigan bo'lsak, uning o'rganuvchilari yoshlar, ya'ni, maktab o'quvchilari va bog'cha yoshidagi bolalar ekanini bilib olamiz.

Minglab otlar sharqu g'arbga, shimolu janubga sotib yuborilgan. Kuchli va vahshiy dushmanlarga sovg'a qilingan. Ayni shu otlarni minib o'sha dushmanlar yana vatanimizga bostirib kelishi unutilgan.

ИСТЕЪДОДЛАРНИ КАШФ ЭТУВЧИ МАСКАН

Истеъдодлар бирдан пайдо бўлиб қолмайди. Улар маълум вақт мобайнида, устоз-раҳнамолар тарбиясида камол топади. Айни вақтда истеъдодларни излаш ва уларни кашф этишга бутун диққат-эътиборини қаратган "Республика ўқувчи ёшлар маркази" фаолият олиб бормоқда.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган марказнинг катта ҳовлисига кирганимизда дастлаб хаёлимиздан, "Шунчалик катта ҳовлига жойлашган эканми, демак амалга ошираётган ишлари ҳам чакана эмас", деган гап ўтди.

Кўп ўтмай марказ раҳбарияти билан қилган суҳбатимиздан сўнг юқоридаги фикримиз ўз тасдиғини топди.

— Марказимиз аввал "Республика маданият уйи" деб аталарди, — дейди биз билан суҳбатда ушбу марказ директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Комилжон ЙЎЛДОШЕВ. — Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг бу ном қайсидир маънода марказнинг имкониятларини чегаралаб қўйди. Охир-оқибатда унинг кўламини янада кенгроқ қилиб ташкил этиш вазифаси кўндаланг бўлди. Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан эски "Маданият уйи" тугатилиб, унинг ўрнига "Республика ўқувчи ёшлар маркази" ташкил қилинди.

ХТВ ташаббуси билан ташкил этилган ушбу марказ ўз олдига қўйган вазифаларни бажаришга тўла-тўкис мослашган. Собиқ "Маданият уйи"да асосан санъат соҳасидаги ишлар амалга оширилар эди. Энди эса янги ном остида ташкил топган марказда бунга қўшимча тарзда спорт ҳам қамраб олинди. Агар марказнинг номланишига эътибор берадиган бўлсак, унинг ўрганувчилари ёшлар, яъни, мактаб ўқувчилари ва боғча ёшидаги болалар эканини билиб оламиз.

Бугунги кунда "Республика ўқувчи ёшлар маркази"да: "Гулруҳ" фольклор-этнографик халқ ансамбли, "Тонг" эстрада халқ ансамбли, "Ҳилола" ашула ва рақс ансамбли, "Ёшлик" видеостудияси, замонавий рақс тўгараги, доирачилар ансамбли, "Қизиқувчилар клуби", спорт тўгараги, замонавий рақс — шейпинг ва "Ёш рассомлар тўгараги" фаолият кўрсатиб, ёш авлодга ўз қобилияти устида ишлаш имконини бермоқда.

Ҳар бир тўгарак учун алоҳида-алоҳида ажратилган зал ва аудиторияларни айланар эканмиз, у ердаги ўзига хослик эътиборимизни тортди. Ҳар бир тўгарак хоналари номланишидан келиб чиққан ҳолда жиҳозланган.

—Ушбу марказни ташкил қилишдан асосий мақсад, ёшларнинг бўш вақтини фойдали машғулотларга йўналтириш ва бу билан уларни турли бузғунчи ғоялар ва хато йўллардан асрашдир, — дейди марказ раҳбари. — Айни вақтда 350 нафардан зиёд ёшларга 22 нафар олий, 19 нафар ўрта махсус ва 14 нафар ўрта маълумотли кадрлар таълим-тарбия беришмоқда. Шулардан тўгарак раҳбарлари Д.Довутов, Ш.Самиев, Н.Ибратов, Б. Зуҳуров, В.Маштакова, А. Амиров, О.Стритаки, М.Муҳаммадиев ва Т. Раҳимовалар алоҳида фидойилик кўрсатяпти. Марказимизнинг спорт тўгараги "Турон" яккакураши йўналишида салмоқли муваффақиятларга эришган. Жумладан, 2002 йилда "Турон" яккакураши бўйича Чилонзор тумани 229-мактабининг 4-синф ўқувчиси А.Исроилов 25 кг. вазнда, 14-мактабнинг 6-синф ўқувчиси С.Қосимов 45 кг. вазнда, яна шу мактабнинг 6-синф ўқувчиси Д.Шукуров 35 кг. вазнда республика чемпиони бўлган бўлсалар, қизларимиздан 229-мактаб 7-синф ўқувчиси Ш.Акрамова 45 кг. вазнда ва 262-мактаб 7- синф ўқувчиси Н.Қаюмова 40 кг. вазнда ўз маҳоратларини намойиш этиб, жанговор санъат борасида шарқ қизларига хос шиддатларини кўрсата олдилар.

Келажакда марказимиз вилоят ва туманларда ўз филиалларини очишни ва ёз ойларида "Талантларни излаймиз" қўшиқлар танловини ўтказишни мўлжалламоқда. Шунингдек, "Обод маҳалла йили" муносабати билан 10 дан зиёд маҳалла билан шартнома имзоладик. Бундан мақсад ўқувчи ёшлар орасида ғоявий ишларни яхшилаш, ҳаваскорлик ижодиётини шакллантириш, ёшларни турли тўгаракларга жалб этиш, ўқувчиларнинг ўқишдан ташқари бўш вақтларини фойдали машғулотларга жалб этиш, маҳаллалардаги оммавий байрамларни ўтказишда ёрдам кўрсатиш ва атроф-муҳитни ободонлаштириш масалаларида ўқувчилар кўмагидан фойдаланишга эришишдир.

Дарҳақиқат, Республика ўқувчи ёшлар маркази эзгу мақсад йўлида ташкил этилган. Ҳали у ўз меваларини бериб, истеъдодларни кашф этишда давом этади. Фақат унга бўлган эътибор сусаймаса бўлгани.

Бу энг аввало ёш авлодни тўғри йўлга йўналтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли,
"Маърифат" мухбири

ҲАНОЙ АЛПЛАРНИНГ



Инсоният тарихи отлар тарихидан айро равишда ўрганилмаса керак. Бу ўринда қанчалаб отларнинг номлари бизгача тариҳдан етиб келган бўлса, қанчаларининг номлари изсиз ўчиб кетган. Туркистон отлари тариҳда ўзгача бир из қолдирганки, бу изни тарихнинг ҳар қандай пучмоқларида кўрмасдан илож йўқ. Шундай экан Довоннинг учар отлари ҳақидаги афсоналар ўта қадим пайтлардан нафақат биз туркийларга, ҳатто ён ва узоқ қўшниларимизга ҳам ўта машҳур бўлган.

Инсоният тарихи минглаб афсоналар билан чамбарчас қоришиб кетган. Бу афсоналар орасида Турон Довонининг учар отлари, уларнинг қирқ газ келар қанотлари бошқа халқлардагидек бизнинг ҳам адабиётимизнинг энг гўзал мифологияси ҳисобланади.

Ёшлигида достон ўқимаган, эртак эшитмаган киши кам бўлади. Айниқса қанот ёйиб учган афсонавий Бойчибор, Ғиркўк, Кўкаман, Сурхун ва бошқа отлар ҳақида ўқиганда кимнинг этлари жимирламаган дейсиз? Ўша учар отлар қанотида кимлар ҳам болалик орзулари томон учмаган дейсиз. Эҳе, ўша учар отлар яраланиб қолган пайтлари кўзимизга келган ёшларни эсласак, яна қайтадан йиғлаб юборишдан ўзимизни базўр тиямиз. Болаликни эсласак, ўша эртаклар, ярадор отларнинг азоблари ҳали ҳамон юракларни зирқиратади.

Ҳар бир авлод вакили ўзи от ишқибози бўлмаса ҳам, албатта ён атрофида шундайлар, от деса жонини ҳам беришга тайёрлар борлигини билади. Биз кўп вақтлар от ишқибози бўлиш имкониятидан махрумэдик. От хусусий мулк сифатида берилмас эди. Колхоз, совхозларнинг отларини миниб юрган полвонларгина, ашаддий от ишқибозларигина бундан мустасно эди. Бундай ҳолат бир томондан баъзи от ишқибозларини бироз отдан совутган бўлса, бошқаларининг отга бўлган меҳри ички бир соғинч билан янада ортган эди.

Отга меҳр нимадан пайдо бўлади, деган саволга ҳамма ҳам бирданига жавоб бера олмаса керак. Қадим аждодларимиз отни унинг чопқирлиги, сути, гўшти, содиқлиги ва бошқа сифатлари учунгина эмас, отнинг энг гўзал ҳайвонлардан бири эканлиги учун ҳам севганлигига амин бўламиз.

Назаримизда қадим аждодларимиз биринчи бор дон йиғиб, экин экиб буломиқ пиширишдан ҳам олдин от минишни ўрганганга ўхшайди. Яна бир фикр, ўша аждодимиз ўз сўз қобилиятини биринчи бор отга ўргатмоқчи бўлган бўлса керак. Шунинг учун ҳали ҳамон биз отлар билан мириқиб гаплашамиз. Улар бизнинг тилимиз ва гапимизга тушунишади. Аттанг, аммо улар ҳали ҳамон ўзлари гапиролмайди. Гапиролмасалар ҳам кўп ҳолларда бизга ўз фикрларини етказа олишади. Мана шунисига қойил қоласан киши.

Афсона ва эртаклардаку, қаҳрамонлар ўз отлари билан бемалол гаплашади. Бунга биз ҳайрон ҳам бўлмаймиз. Балким ўша аждодларимиз чиндан ҳам отларнинг тилларини билишгандир.

Отлар тарихига келсак, бизнинг қанотли учар отлар тарихи қадим афсоналар ва Хитой ёзма манбаларида милоддан олдинги асрлардан бошлаб тилга олинади.

Хитойнинг Довон билан (Довон Фарғона водийсининг қадимий номи) алоқа ўрнатишининг асосий сабабларидан бири Довоннинг учар отларидан биронтасини қўлга киритиш бўлганлигини эрадан олдинги асрларда Хитойдан юртимизга келган Чжан Цян бошчилигидаги элчилар тан олишган.

Хитойнинг ўша элчиси ва тарихчиси тан олиб ёзишига қараганда, улар Довондан кўп нарсалар қўлга киритганлар. Жумладан, беда уруғи, узум, анор, ёнғоқ ва бошқа бир қанча неъматлар олиб кетишган. Аммо, уларнинг эътироф этишича, учар отларни олиб кетолмаган. Демак, маданий алоқалар ўша пайтларданоқ яхшигина тараққий этган бўлган. Маданий алоқа ўз йўлигаку, аммо от ўша пайтлари ва ундан кейин ҳам ўта муҳим ҳарбий куч саналгани учун бошқаларга берилмаган.

Айтишларига қараганда, Хитойнинг Довон учар отларига иштиёқи кейинчалик ҳам сўнмаган. Қайта-қайта тинч йўллар билан учар отларга харидор бўлган хитойликлар охир-оқибат Довонга ҳарбий куч билан келиб учар отларни қўлга киритмоқчи бўлади. Шундай урушлардан бирида Довоннинг Эрши деган шаҳри қамалда қолади. Хитойликлар томонидан Эршининг қариялари ва ёш болалари гаровга олинади ва уларнинг қутқарилиши учун хитойликлар Довоннинг учар отларидан юзтасини талаб қилишади.

Туркийлар узоқ маслаҳатлардан кейин гаровдагиларни қутқариш учун икки от беришга рози бўлишади. Хитойликларнинг саркардаси Ли Гуанми шунга ҳам рози бўлиб, икки от эвазига нафақат гаровдагиларни озод қилади, ҳатто Эршининг қамалини ҳам тўхтатади.

Хитойликлар ва бошқалар бунчалик ишқибоз бўлган ўша учар отларнинг таърифини излаган кишилар китоблардан топади. Ҳатто Фарғона водийсига борган киши Аравон қишлоғига борса, ўша учқур отларнинг қадимий расмини ҳам кўриши мумкин.

Қишлоқ яқинидаги 20 метрлар келадиган қояда ўша афсонавий учқур отларнинг расмлари туширилган. Бу ҳақда бир вақтлар шарқшунос олим Массон ҳаяжонланиб ёзган. Ахир бу расмлар эрадан аввалги биринчи мингйилликларга тааллуқли бўлиб, ўта катта тарихий аҳамиятга эга. Худди шундай отларнинг уюри туширилган расмлар Ўш шаҳрининг яқинидаги Айирматовда ҳам бор. Ахир, ушбу отлар Алпомишу Гесер, Гўрўғлию Манас минган афсонавий отларнинг аждодлари бўлади.

Бизнинг арғумоқлар тарихи ўта қадимийлигини унутмаслигимиз керак. Тарихчиларнинг эътирофича, Миср фиръавнлари ҳам эшак минишган. Улар фақат эрадан аввалги 1700 йиллардан бошлаб отларда тасвирланган.

Бизнинг афсонавий учар отларимиз қанчалик қадрли бўлмасин негадир кейинчалик улар савдо маҳсулотира ҳам айланиб кетган. Минглаб отлар шарқу ғарбга, шимолу жанубга сотиб юборилган. Кучли ва ваҳший душманларга совға қилинган. Айни шу отларни миниб ўша душманлар яна ватанимизга бостириб келиши унутилган.

Мана, Хитой манбаларига назар ташланг. Хоразм 627-йили Хитой саройига 4000 от совға қилгани ёзилади.

1867-68 йиллари Хоразм воҳасини босиб олган чор Россияси босқинчилари воҳадан ўз ўлган аскарларининг товони сифатида, ҳарбий тил билан айтилганда контрибуция сифатида 18000 отни олиб чиқиб кетишади. Кейинчалик айни шу отлар рус ва Оврупо зотдор отларининг аждодларига айланади.

Инглиз зотдор отларининг шажараси Шарқдан чиқариб кетилган 80 зотдор от, шу жумладан Дорлей арабиандан бошланган. Бу ҳақда инглизларнинг чопқир отлар шажара китоби 1791 йилдан юрита бошлангани ва унда айнан мана шу Дорлей арабиан тургани ҳам фикримизни тасдиқловчи далил бўлади.

Отлар ҳақида гап кетганда араби отлар мақталади. Аммо, биз юқорида Миср фиръавнлари эшакда юрганини айтиб ўтдик. Эрадан аввалги иккинчи минг йилликларда айнан Довоннинг учқур отлари шарқу ғарбга, Хитойга машҳур бўлганига ҳеч ким эътироз билдирмайди.

Миср фиръавнлари ҳам кейинчалик от минганини ҳисобга олсак, Оврупога бизнинг отлар олиб чиқиб кетилганлигини айтиб ўтсак ва инглизларнинг ҳозирги замон зотдор чопқир отларининг асл аждоди Дорлей арабиан эканлигини улар ўзлари тан олишини кўздан қочирмасак, демак уларнинг ҳаммасини аждоди бизнинг учқур отлар бўлиб чиқади.

Демак, аслида ўша машҳур инглиз чопқир отларининг аждоди Дорлей арабиан ҳам бизнинг, Турон учқур отларининг болалари.

Турон учқур отлари нафақат Оврупога, ҳатто Сибирнинг ўта совуқ жойларигача бориб етган ва маҳаллий отларга қоришиб, совуқ шароитга ҳам мослашган.

Ҳозирги замон Сибир, жумладан, ёқут отларининг тарихи ҳам Марказий Осиё қанотли учқур отлари тарихи билан чамбарчас боғлиқ ва бунга минглаб исботлар бор.

Тарихи уч минг йиллардан ҳам чуқурроқ ўтмишга бориб тақаладиган асл туркий ёқут халқининг ва ёқут отларининг тарихи ҳозирги Шилка, Селенга, Онон, Нерчи, Чикой ва бошқа дарё воҳаларидан бошланади.

Ўша даврларга бориб тақаладиган маданий қолдиқлар асосан катта-катта тош плиталар билан ўраб к ў м и л г а н тошқабрларда қолган. Бу давр маданиятини рус тарихшунослиги "культура плиточних могил" деб юритади. Бунга сабаб, ўша даврнинг машҳур одамлари, зодагон беклар ўз бойликлари, от анжомлари билан тошқабрларга қўйилган. Айни шу тошқабрлардан ўша давр маданиятига тааллуқли олтин, бронза, кумуш ва бошқа тақинчоқлари қаторида от, жумладан учар отлар тасвири туширилган маданий ёдгорликлар топилган.

Маълумки, Байкал (аслида Бойкўл) атрофи ва унинг кенгликларини ҳисобга олсак, бу майдонларда бошқа ҳайвонлар қатори ва улардан ҳам қадрли жонивор от бўлганлигига амин бўламиз. От бу жойдаги аҳолига сут, гўшт, тери ва кейинчалик ёқутларнинг тобора шимолга кириб бориши сабабли уларга жун ҳам берганини кўрамиз.

Бу жойларда уч минг йиллардан буён яшаб келаётган хунлар туб аҳоли бўлиб, улар от ва унинг қадрини жуда яхши билишади. Рус тарихшунослари уларни гунлар ҳам деб аташади, аслида гун, хун маҳаллий аҳоли тилида одам маъносини билдиради. Ҳозирги замон ўзбек тилида ҳам хун сўзининг туб маъноси тагида одам тушунчаси қолдиқлари қолган. Масалан, хун тўлаш, яъни одам ўлдирган киши ўлдирилган одам эвазига одам тўлаган. Бу деган сўз одамга одам, жонга жон, одамнинг нархи одам билан ўлчанганлиги бизгача қадимдан етиб келган.

Туркий халқлар Энасой, Ангара, Лена ва бошқа дарёлар ошиб тобора шимол қаърига кириб бораверади. У пайтларда ҳозирги ёқутлар куриканлар деб аталган. Биз ушбу этнонимни товушдош, оҳангдош бир неча бошқа сўзлар билан солиштирган ҳолда хулосани ўқувчининг ўзига қолдирамиз. Курикан — ҳозирги ёқутларнинг қадимги номи. Хуригин — ҳозирги бурят, мўғул ва бошқаларда куёв, почча маъносини билдиради. Бу жойда биз Амир Темур Кўрагонни айтиб ўтмоқчимиз.

Қадимги хунлар, куриканлар, хуригинлар, кўрагонлар отларни жуда яхши кўриб, уларни кўплаб урчитганлари ва ушбу отлар билан дунёга машҳур бўлганини айтсак ва бу ҳақда хитой манбалари жуда кенг маълумот беришини қайд қилсак, ҳеч қандай изоҳга ўрин қолмайди.

Айни шу хитой манбаларининг таъкидлашича, "куриканларнинг отлари катта-катта, кучли, бақувват, ранглари бўз, қоплонларга ўхшайди". "Бу отлар Бойкўл шарқида яшовчи отлар билан бир турда".

Тарихий манбаларнинг хабар беришича, куриканлар кундалик ишлари учун ўз отларидан фойдаланишса, уларнинг бойлари тўй —байрамларга Марказий Осиёдан келтирилган гўзал, чиройли, бежирим, бедов, учқур қанотли отларни минишар экан. Бу отларнинг юган — сувлиқлари, эгар-жабдуқлари олтин, кумуш, кимсан, шойи ипаклар билан безатилган. Совуқда эъзозланган бу отларнинг устига ипак, жунлардан чиройли тикилган сўзана жуллар ёпилган.

Бир вақтлар куриканлар ва ёқутлар ён қўшнилари уйғурлар, Энасой ёнидаги қирғизлар билан ўзаро урушда кучсизланиб тобора шимолга сиқилиб борарди. Бу ҳолдан уларнинг қадимий ён қўшнилари бўлмиш Аланқува онанинг бошқа болалари урянхайлар, ҳозирги тувалар, мўғуллар, қалмоқлар, хакаслар, бурятлар моҳирлик билан фойдаланишадида, ўзларининг чайир пастак отларида ушбу бепоён ҳудудларни эгаллай бошлайди. Бутун Онон, Аргун, Бойкўл атрофларини тўлиқ ўзлариники қилишади.

Бу вақти ёқутлар ҳам ўз ўрнида улардан анча кучсиз бўлган тунғус, тангғут ва бошқа кичик қабила ва халқларни тобора шимолга сиқиб борар эди. Ушбу қувғин қочишларда отларнинг ўрни ва қиммати алоҳида ўрин тутишини айтмасдан бўлмайди. Отларнинг шимол совуғига мослашишида уларга одам ёрдам беради. Уни қишда совуқдан асраса, ёзда чивин-чиркайдан сақлайди.

Бундай, кенг ҳудудларда, бир чеккаси Ҳожитархондан (Аштархонийлар пойтахти, ҳозирги Астрахан) то Қизил Кўмирлидан (ҳозирги Тува пойтахти қадимий номи Хем Белдир) (Кемерево) Тумангача (ҳозирги номи Тюмень), Селобадан (ҳозирги номи Челябинск) бир тарафи Туллагача (Тула шаҳри, бу шаҳарнинг номи Жонибекхоннинг хотини Тойтулла исми билан боғлиқ), Онон, Аргун, Энасой ва бошқа дарё ва даштларнинг кенг ҳудудида яшаш ва улар орасида алоқалар ўрнатишни отсиз тасаввур қилиб ҳам бўлмайди.

От билан ҳаёти ўта чамбарчас боғланиб кетган ёқутлар ўзларини шундай таърифлашади: "Ёқут бия терисини кийиб юради, бия терисини ёпиниб ухлайди, сутини, қимизини ичади, бия гўштини тановул қилади, ёзда отдан узоқ кетмайди, қишда бир қўтонда бирга ётади, қадимда бирга бир қабрга қўйилар эди (тошқабрларга ишора), ҳозир у отда Тангри олдига кириб боради".

Ёқутлар, тувалар, бурятлар ва бошқа от билан ҳаётлари ўта чамбарчас халқлар ҳали ҳамон отга сиғинишади, уни муқаддас ҳайвон деб билишади.

Тува ёзувчиси Салчақ Тўқанинг асарларида ёки ёқут Н. Ҳакимнинг битикларида от билан боғлиқ ўта қизиқ-қизиқ воқеаларни ўқиймиз. Масалан, қишда овчи ўрмонда ҳафталаб овсиз қолиб кетса, очликдан ўлмаслик учун отнинг томирига қортиқ уриб бирор коса қон билан ҳаётини сақлаб қолишлари от ва одамнинг бир тан ва бир жонлигидан дарак эмасми? Бундай ҳолда одам отнинг иссиқ қони ёрдамида ўз манзилига етади, от эса одамнинг ёрдамида совуқдан, емишсизликдан сақланади.

Сибирда яшовчи ёқут отларига ҳам осон эмас. Ёзда уларни чивин-чиркайлар ашаддий таласа, қишда шимолнинг совуғи азоб беради. Қишда от танасидаги ҳароратдан қор ва музлар эриб унинг танасини музпўстин бўлиб қоплаб қолишлари от ҳаёти учун ўта хавфли. Бундай пайтда уларни фақат инсон сақлаб қолади. Қарабсизки, бундай бир бирига ёрдам беришдан иккала томон ҳам жиддий фойда кўради.

Ёқутлар от терисидан турли хил уй-рўзғор асбоблари ясашади. Этик, телпак, қўлқоп, арқон жунидан эса ип тайёрлаб кийим тўқишади. Бу ўринда ёқут отларининг жунлари 10-15 см.гача ўсишини эслатиб ўтиш зарур. Аммо от инсон учун улов сифатида барибир ўта қадрли бўлиб қолаверади. Шунинг учун ёқутлар отни "бахт-саодат ва узун бойлик" деб аташади. Ҳатто қизларнинг қалинида бериладиган моллар қаторида албатта от бўлган.

Қадимий ёқутлар ўзларининг ҳаётлари учун отларнинг ўта муҳимлигини билиб, йилқи пири Уордах Жасағайга сиғинган. Шунинг учун бахшилар "бизга чаққон йигитларни, қизил юзли қизларни бергин, юрларимиз кўпайсин, от қамайдиган қўтонларимизнинг тўрт томони кенгайсин", деб дуо қилишган.

Яна бир ажойиб удум, ёқутлар бир жойдан иккинчи жойга кўчганларида уйлари олдига ўрнатиладиган яккамих, от бойланадиган махсус катта қозиқни қолдириб кетишмаган, албатта ўзлари билан олиб кетишган.

Биз отнинг тур ва туслари, ёши ва у билан боғлиқ ибораларини кўп ҳам билмаймиз. Оқ, қора, саман, ола, тўри, бўз, аблақ ва шунга ўхшаш атамалар билан чекланамиз. Айтишларига қараганда ота-боболаримиз отларнинг етмишдан ортиқ турларини билишган. Бу алоҳида билим саналиб уларни ажратолган кишилар ҳурматга сазовор, билимли одамлар саналган. Бу ҳақда Маҳмуд Қошғарийнинг машҳур Девонида алоҳида фикрлар бор. Масалан, ёввойи айғирдан бўлган хонаки байталнинг боласини арғун — арқун дейишган.

Бизнинг қорабайирлар иссиққа чидамли бўлишса, ёқут ва қолмиқ, тува ва бурятларнинг отлари совуққа чидамли бўлиб, маҳаллий шароитга мослашиб кетган. Бизнинг отлар ялтиллаган, чиройли, силлиқ бўлишса, уларнинг отлари узун-узун жундор бўлган ва бир йилда бир килогача жун берган.

Кўпчилигимиз ғунон ва дўнонинг от ёши эканини билмаймиз. Бу ўринда айтадиган бўлсак, отнинг боласи бир ёшгача қулун дейилади, бир ёшдан иккигача — той, уч яшари — ғунон, тўрт яшари — дўнон, беш яшари — тўлон дейилади.

Отларнинг алоқа воситаси сифатида ишлатилиши қадимда жуда катта аҳамиятга эга бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Чингизхон ўз давлати ҳудудларини махсус ташкил қилинган ём нуқталари, (ҳозирги замон почталари) ём отлари орқали бошқарган. Бу борада бизга ём сўзи ҳатто нотаниш бўлиб кўринади, гўё бизда илгари почта алоқаси бўлмагандай. Аммо тарихга назар ташлар эканмиз, "ёмчининг отидай суйканаверма", деган иборани эшитамиз. Русларнинг Москва шаҳри ўртасида Ямская кўчаси бор. Бу кўча номи айнан бизнинг ём сўзи билан алоқадорлигини кўпчилик, ҳатто тилшунослар ҳам билавермайди. Қадимда бу кўчада ём нуқтаси бўлиб, ём отлари сақланган, яъни почтачилар кўчаси бўлган.

Отлар ҳақида гап кетганда, баъзан ақл бовар қилмас воқеаларни эшитамиз. Аммо уларни ҳақиқатда ҳам ишониб бўлмас воқеалар, деб қарамаслик керак. Агар уларга ишонмасак, биз қандай қилиб Алпомиш ва Гўрўғлининг қийин аҳволга тушган пайтларида отлари ёрдамида қутулганига ишонамиз. Отлар билан бўладиган воқеаларга ишониш кераклигини тасдиқловчи энг янги бир воқеани айтиб берай.

Яқинда Жиззах вилоятида катта бир кўпкарида полвонлар тараф-тараф бўлиб қолишади. Кўкаманни миниб чопаётган Жавлон полвон (от ва полвонларнинг номи ўзгартирилди) икки марта ғалабага эришади. Бундан ғаши келган қарши тарафнинг Камар полвони ўз тарафдошлари билан Кўкаман учинчи бор тўдадан ёриб чиққанда уни икки тарафдан қисиб жарликка қараб қувишади. Жавлон полвон Туятортар каналининг жарига қараб учиб бораётган Кўкаманнинг жиловини қўйиб юборишга мажбур бўлади. Бу ҳам ёрдам бермагандан кейин полвон улоқни ташлайди, жар яқин келиб қолганини кўриб, охирги имкон, ўзини отдан ташлайди. Камар полвон ва унинг ҳамтовоқлари икки тарафга бурилиб кетади. Аммо масофа жуда яқин қолганлиги учун Кўкаман Туятортор канали жарига тушиб кетади. Оллоҳнинг қудратини қарангки, Кўкаман жарнинг қиясига қандайдир бир илож қилиб илиниб қолади. Нима бўлди деб чопиб келган томошабинлар Кўкаманнинг торгина бир жойда титраб турганини кўришади. Бировлар от барибир жарга тушиб кетади, уни энди чиқариб олишнинг иложи йўқ дейишса, бошқалар отни қандай қилиб чиқариб олиш ҳақида баҳс юритишади. Шунда бир оқсоқол келиб, ҳамманг бу жойдан кетинглар от ўзи чиқиб олади, дейди. Одамлар не кўз билан кўрсинки, от бироздан кейин жардан чиқиб қаттиқ кишнаб юборади ва одамларни ҳайрон қолдириб узоққа қочиб кетиш ўрнига тўдани икки айланиб чопиб келадида, ҳали бўлиб ўтган воқеани тўлиқ тасаввур қилолмай, йиқилган жойидан туролмай ўтирган Жавлон полвоннинг олдига келиб тиз чўкади.

Кўкаманнинг полвонга бўлган ҳурмати шароитни тўғри идрок қилган Жавлонга миннатдорчилиги бўлса керак. Ахир, Жавлон полвон аҳвол танг ҳолатда ихтиёрни отнинг ўзига қолдириб жиловни қўйиб юборди, бу ҳам камлик қилганди, улоқни атайлаб ташлади, жарга масофа яқин қолгани учун ўзини отдан ташлади. Юки ва мушкули осон бўлган от аниқ ўлимдан қолди. Жавлон полвон содир бўлган воқеада ўзини айбдор, деб турган бир пайтда Кўкаманнинг келиб полвон олдида тиз чўкиши "воқеадан хафа бўлма, танг ҳолатда энг тўғри йўлни танлаган эдинг, юк оғир бўлганда, улоқ ва сен билан жарга тушганимизда иккимиз ҳам омон қолмас эдик", деганими?

Бугун ва бундан кейин ҳам халқимиз орасида от ва унинг қилган ишлари ҳақида кўплаб мана шунга ўхшаш воқеаларни эшитганмиз ва келгусида ҳам эшитамиз. Туроннинг бедов отлари ва уларни миниб чопадиган полвонлари ҳали дунёга ўз сўзларини айтади.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ

Qadriyat

ЎҚУВЧИЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Tashabbus

Бахмал туманидаги "Дўстлик" фуқаролар йиғинига қарашли Жарбулоқ, уяс қишлоғи аҳолиси кўклам айёми арафасида ташаббус билан чиқишди: улар Б.Иброҳимов номидаги 7-ўрта мактаб стадиони ва боғи атрофини темир панжара билан ўраб берадиган бўлишди. Бу ҳақда дастлаб маҳалла оқсоқоллари О.Ёрбеков, А.Қурбонбоев, М.Эркабоев, Х.Алибеков ва мактаб директори Р.Остоновларга мурожаат қилинганида улар ҳам бу таклифни қувватлашдилар. Бу ташаббусдан ҳаман ҳокими топган ту- М.Қаршибоев ва туман ХТБ мудири А.Зикирёев ҳам маҳалла аҳлини қўллайдиган бўлишди. Қўллаб-қувватлашдан қанотланган маҳалла аҳли бир ҳафта ичида ҳашар йўли билан икки миллион сўмлик ишни бажаришга эришишди. 420 метр узунлик ва 0,8 метр баландликда ўрнатилган темир панжара энди катта йўл ёқасидаги стадионда спорт билан шуғулланадиган ўқувчилар хавфсизлигини таъминлаётганидан барча хурсанд.

Болалар спортини ривожлантириш дастури ва "Обод маҳалла йили" муносабати билан қилинган бу хайрли тадбирни қишлоқ аҳли яна давом эттириш ниятида: улар энди келажакда маҳалласидан етук спортчилар етишиб чиқиши учун ёпиқ спорт иншооти қуриб бериш ташаббуси билан чиқдилар.

Шерали ҚАРШИБОЕВ,
Бахмал туманидаги 7-ўрта мактаб илмий бўлим мудири

Qisqasi, aroq ichib nojo'ya ishga qo'l urganlarning ko'pchiligi o'zlarini oqlash sabab shayton yo'ldan uribdi, ming karra tavba deyishgani uchun biz ularni shartli ravishda Shaytonqul deb atadik.

Pedagogikada ta'lim bilan tarbiya xuddi hayotdagi egizaklar singari, yonma-yon yuradi. Binobarin, ularni bir-birisiz tasavvur etish ham mumkin emas.

ТАДҚИҚОТЛАРДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУШТАРАКЛИГИ

Педагогика фани соҳасидаги илмий тадқиқотлар кўлами шу қадар кенгки, уларни бир қолипга ва йўналишга солиб бўлмайди. Худди бошқа соҳалардаги сингари педагогикада ҳам очилмаган "қўриқ"лар бисёр. Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ана шу "қўриқ"ларни очиш, ўрганиш жараёнининг ўзига хос изланишлар маскани ҳисобланади. Айни вақтда институт жамоаси 2003-2007 йилларга мўлжалланган 1 та фундаментал, 5 та амалий, 1 та инновацион йўналишдаги илмий-тадқиқот йўналишлари бўйича Фан ва технологиялар марказининг гранти асосида ишламокда. Қуйидаги суҳбат ана шу тадқиқотларнинг мазмуни, мақсади, долзарблиги ва кўзда тутилаётган натижаси ҳақида.

Абдуқаҳҳор Абдуқодиров, институт директори, педагогика фанлари доктори, профессор:

—Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Таълим тўғрисида"ги қонун ижросига ҳисса қўшиш мақсадида институтимиз олимлари амалга ошираётган ишлар эътиборга моликдир. Фанлар бўйича давлат таълим стандартларини яратиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш муносабати билан синфлар бўйича ўқувчилар учун зарур бўлган муҳим билим, кўникма ва малакаларни ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини яратиш, шулар жумласидан. Бунга қўшимча равишда дарсликларнинг янги авлодини яратиш, вазирлик миқёсида ўтказилаётган эркин танлов ва тендерларда фаол қатнашаяпмиз.

Олдимизда турган илмий тадқиқот ишларининг кўлами қандай? Бу савол барчамизни қизиқтириши керак. Аввало тадқиқот мавзуларининг давр тақозосидан келиб чиққан ҳолда танланишига эътибор қаратиляпти. Чунончи, миллий дастурнинг сифат босқичида умумий ўрта таълимда ўқувчиларнинг қобилияти ва имкониятлари ҳисобга олинади.

Олинган натижалар умумлаштирилиб, методик тавсиялар ишлаб чиқилади ва мавзу юзасидан монография тайёрланади. Тадқиқот доирасида, бундан ташқари, жорий йилнинг 29-30 май кунлари "Педагогик ва ахборот технологиялари: ютуқлар ва истиқболлар" мавзусида республика илмий-амалий анжуманини ўтказиш режалаштирилган.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш долзарб характерга эга. Профессор Р.Жўраев раҳбарлигида ***"Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг илмий-педагогик асослари"*** *бўйича ҳам тадқиқот ишларига қўл урилди.*

Ушбу йўналишни режалаштириш жараёнида, 2002 йил 15-16 ноябрь кунлари институтда худди шу мавзуда республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Турли ёш босқичларида ўқувчиларнинг касб-ҳунарга йўналтирилганлик даражасини ҳар хил белгилашади. Демак, уларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилиши керак. Ўша талаблар бажарилишининг мониторингини амалга ошириш зарурати юзага келиши табиий. Тадқиқотнинг мантиқий давоми сифатида I-IV, V-VII, VII-IX синф ўқувчиларининг касбий тайёргарлик даражасини аниқлашнинг мезон, кўрсаткич ва ўлчовларини асослаш керак.

Ўқувчиларнинг касб-ҳунарга йўналтирилганлиги ва ижтимоий буюртмасига жавоб бериши лозим. Демак, бугунги кунда қўшимча таълимнинг мазмуни ва методикасини илмий жиҳатдан асослаб бериш лозим. Чунки, узлуксиз таълимнинг муваффақияти маълум даражада улар этиш, унинг тарихига назар солиш мактабдан ташқари таълим ҳар доим диққат марказда бўлиб келганлигини кўрсатади. Маълум муддат бу тизимда амалга оширилаётган ишлар тарғиботи бироз сусайди. Узлуксиз таълимнинг барча босқичларида ДТСлар ишлаб чиқилиб, мазмун янгиланди. Шунга ҳамоҳанг тарзда мактабдан ташқари таълим мазмуни ҳам жамиятимизнинг бугунги кундаги ижтимоий буюртмасига жавоб бериши лозим. Демак, бугунги кунда қўшимча таълимнинг мазмуни ва методикасини илмий жиҳатдан асослаб бериш лозим. Чунки, узлуксиз таълимнинг муваффақияти маълум даражада улар сиснинг шаклланиши учун замин тайёрлайди. Биз назарда тутган бадиий ижодкорлик йўналишлари айниқса, кенг имкониятларга эга.

Тадқиқот кўламини лойиҳада назарда тутилганидан бироз чегиришга мажбур бўлдик. Молиявий имкониятларнинг торлиги ижрочилар сони қисқартирилишини талаб этди. Шу боис мусиқий маданиятнинг чолғучилик, ашула ва рақс ансамбллари; тасвирий фаолиятнинг ранг-тасвир, қалам тасвир ва композиция; қадимий санъат турларидан миниатюра ва меъморчилик, шунингдек ҳам қадимий, ҳам замонавий бўлган дизайн санъати соҳалари танлаб олинди. Мактабдан ташқари таълим концепцияси, давлат талаблари, намунавий дастурлари ва қўлланмаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда. 2003-2005 йилларга мўлжалланган тадқиқот юқоридаги бандларни қамраб олади.

Роҳатой САФАРОВА, педагогика фанлари доктори:

— "Кадрлар тайёрлаш миллий моделини педагогик амалиётга жорий этиш талаблари асосида умумий ўрта таълим мазмунини прогностика қилиш" деб номланган тадқиқотнинг бош мақсади ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш имкониятларини аниқ белгилашга ва шу асосда янги моделларни лойиҳалашга қаратилади. Унда таълим мазмунини прогностика қилиш тамойилларини ишлаб чиқиш, шахс, давлат, жамият, фан ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга таълим натижаларининг кўрсатадиган таъсирини олдиндан белгилаб бериш муҳим. Таълимнинг ҳозирги моделлари асосида ўқув дастури ва дарсликларининг янги авлодини ишлаб чиқиш педагогик прогностика натижаларига таянади. Жамият ривожлангани сари давлатнинг шахс олдига қўяётган талаблари ортаверади. Шунга яраша таълим жараёнини мукамаллаштириш зарурияти ҳам кучаяверади. Дунёнинг турли мамлакатларида таълимни ривожлантириш соҳасидаги ҳаракатлар педагогик прогностика натижаларига таянган ҳолда амалга оширилади. Ўқувчиларда ахборотларни айрибошлаш, мустақил интеллект майдонини вужудга келтиришга йўналтирилган таълим мазмунини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш вазифаси ўз ечимини кутмоқда.

Умумий ўрта таълимнинг истиқболдаги мақсадини прогностика қилиш, эксперт баҳолашда уни ташкил этувчи компонентлар — дунёнинг илмий манзараси, жамият мафкураси, ўқувчиларнинг касбий ва ҳуқуқий билимдонлик даражаси, дунёқарашини ривожлантириш йўллари таҳлил этилади. Бундан ташқари, ўқув режасининг таркибий тузилиши, ҳар бир таълим соҳасининг истиқболдаги мазмуни(ижтимоий гуманитар, табиий фанлар, аниқ фанлар, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий билим асослари)ни прогностика қилиш муаммолари ва ўқув материалларини ахборотлаштириш йўллари, ўқувчиларнинг лойиҳачилик ва ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришдаги ўзаро алоқадорлик, дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларининг мазмуни, таркибий тузилиши қамраб олинади.

Асқар СУЛАЙМОНОВ, катта илмий ходим:

— Сир эмаски, ҳозир асосий эътибор узлуксиз таълимнинг мажбурий-ихтиёрий блокига қаратилган. Айни пайтда мактабдан ташқари таълим муассасалари ҳам шахс камолотини оширишда ўзига хос объектдир.

Масаланинг моҳиятини, аҳамиятини теранроқ таҳлил фаолиятига ҳам боғлиқ эканлигини унутиб бўлмайди.

*Халқимиз кўп йиллик тарихий анъаналарга эга. Шахснинг табиий лаёқатини аниқлаш ва ривожлантириш, эҳтиёжларини қондириш, пировард натижада етук мутахассис сифатида шаклланишини таъминлаш, ҳаётга тайёрлаш, ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, ижтимоий ҳаётга мослаштириш, ҳаётий фаолиятини ташкил этиш, ижтимоий ва меҳнат муносабатларини ривожлантириш, ижтимоий ва меҳнат муносабатларини ривожлантириш, ижтимоий ва меҳнат муносабатларини ривожлантири

Iroq urushi boshlanganligi bois, oliy va o'rta ta'lim muassasalari o'z o'quvchilarini AQShga yubormasliklari haqida bir qarorga kelganlar.

Afsuski, urushga qarshi bo'lgan davlatlar OAVlari hamon voqealarni o'z manfaatlariga moslab, muhokama qilmoqdalar.

НОМАЪЛУМ КАСАЛЛИК ХУРУЖИ

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг эксперт-лар гуруҳи номаълум касаллик асоратларини аниқлаш учун Хитойга келди. Негаки, Хитойнинг Гуандун вилоятида бир неча юз киши ўпка яллиғланишига ўхшаб кетадиган номаълум хасталик билан оғриган. Ҳозиргача бу хавф туфайли дунё бўйича 11 киши ҳалок бўлди ва 386 киши зарарланди.

Сингапур ҳукумати эса вазият жиддийлиги боис, мамлакатда карантин эълон қилди. Унга кўра барча аҳоли хонадонлари эшиклари ёпилади ва давлат томонидан уларнинг уйларига озиқ-овқат ҳамда зарур нарсалар етказиб берилади. Карантин шартларини бузиб, уйидан ташқарига чиққан кишиларга 5000 АҚШ доллари миқдорида жарима солинади. Иккинчи гал эса, жарима миқдори 10 минг долларга кўтарилади.

КЛОНЛАШТИРИЛГАН ГЎДАК СУРАТИ

"Клонаид" компанияси президенти Бриджит Буасселье Бразилияга ташрифи чоғида клонлаштирилган учинчи чақалоқ суратини ошкор этди, дея хабар беради BBC News. Шунингдек, чақалоқнинг отаси ҳам Бразилияга келган бўлиб, шифокорлар "Клонаид" ҳақиқатан ҳам одамни клонлаштираётганлигини текшириб кўриш мақсадида, ундан генетик анализлар олишмоқчи. Шунингдек, Бразилияга Бриджит Буасселье хоним билан бирга Раэль сектаси раҳбари ҳам келган бўлиб, айнан шу секта тузган "Клонаид" компанияси ҳозирга қадар 5 нафар клонлаштирилган гўдакни дунёга келтирди. Бешинчи чақалоқнинг 4 февраль куни туғилишига сабаб бўлган мазкур компания ҳозирга қадар гўдакларни экспертизага бергани ва мутахассисларга кўрсатгани йўқ.

"ОСКАР" СОҲИБЛАРИ

Ҳар йили одат тусини олган "Оскар" мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими Голливуддаги "Кодак" театрида бўлиб ўтди. Америка киноакадемиясининг 75-бор ўтказган мазкур тадбирига бу сафар Ироқ уруши сал таъсир ўтказди, холос. Барча йўналишлар бўйича "Оскар" мукофоти учун талабгор бўлган 3500 нафар номзод орасидан "Энг яхши фильм" номинациясига Роб Маршаллнинг "Чикаго" фильми лойиқ топилди. "Энг яхши актёр" номинацияси бўйича — Эдриан Броуди, "Энг яхши актриса" — Николь Кидман, "Энг яхши режиссёр" йўналиши бўйича — Роман Поланский, "Энг яхши оригинал сценарий" номинацияси бўйича "У билан сўзлаш" фильмининг сценарийси учун Педро Альмодовар тақдирланди. Шунингдек, "Энг яхши хорижий фильм", "Энг яхши ҳужжатли фильм" каби йўналишлар бўйича ҳам совриндорлар аниқланди.

ЯПОН ЁШЛАРИ АМЕРИКАГА ЮБОРИЛМАЯПТИЛАР

Япония олий ўқув юртлари ва ўрта мактабларида таҳсил олувчи ёшларнинг Америкага уюштиражак сафарлари тўхтатиб қўйилди. Ироқ уруши бошланганлиги боис, олий ва ўрта таълим муассасалари ўз ўқувчиларини АҚШга юбормасликлари ҳақида бир қарорга келганлар. Асосан бундай сафарлар инглиз тилини ўрганиш доирасида амалга оширилар эди. Хоккайдодаги университетнинг 7 нафар талабаси 21 март куни АҚШнинг Орегон штатига жўнаб кетишлари керак эди.

Шунингдек, операцияларда иштирок этаётган бошқа давлатларга нисбатан ҳам шундай сафарлар тўхтатиб қўйилди. Жумладан, Йокогама шаҳридаги "Ямата" мактабининг 18 нафар ўқувчиси Австралияга бориши керак эди. Буюк Британияда турган Тояма вилоятининг "Фукуока" мактаби ўқувчилари эса операциялардан бир кун олдин дарҳол чақириб олиндилар.

РЕФЕРЕНДУМ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Чеченистон сайлов комиссияси раиси Абдулкарим Арсахановнинг билдиришича, бўлиб ўтган референдумда сайловчиларнинг 95 фоиздан ошиқроғи конституция қабул қилинишини ёқлаб чиққан. Чеченистон республикаси конституцияси лойиҳаси беш вариантда 2001-2002 йилларда ишлаб чиқилган эди. Референдум жараёнида "Президент сайлаш", "Парламент тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ҳам сайловчиларнинг 96,33 фоиз ва 95,97 фоизи томонидан қўллаб-қувватланган.

Бўлиб ўтган овоз бериш жараёнлари халқаро кузатувчилар томонидан "демократик ва қонуний тарзда бўлиб ўтди", дея баҳоланган бўлса, Чеченистон раҳбари Аҳмад Қодиров референдумни тарихий воқеа, дея атади ва 23 март кунини байрам сифатида нишонлаш таклифини илгари сурди.

ОДАМ АЪЗОЛАРИ СОЛИНГАН ҚУТИЛАР

Латвияда одамнинг тана қисмларини хорижга сотиш жиноят билан боғлиқ иш қўзғатилди. Ҳозиргача Рига шаҳрида тўрт маротаба, Резекнда икки маротаба қидирув ишлари ўтказилди. Бундай текширувларга суд-тиббий экспертиза марказининг Резекн шаҳридаги бўлимидан 50 та яшикдаги одам аъзолари топилганлиги сабаб бўлди. Махсус хизмат вакилларининг тахминича, инсон аъзолари трансплантация мақсадида Германияга юборилган бўлиши ҳам мумкин. Бироқ, Латвия қонунларига мувофиқ, ҳар бир киши ўлимидан сўнг ўз танасининг тақдирини ўзи белгилайди. Бунинг учун у ҳаётдан кўз юмгач, танасини ёришлари ва аъзоларидан фойдаланишлари учун ёзма равишда розилик бериши ёки бермаслиги мумкин. Эслатиб ўтамиз, ноқонуний тарзда одам танаси аъзоларини Ғарбий Европа давлатларига сотиш Латвия жиноятчи тўдалари учун яхшигина бизнес манбаига айланган.

"Интернет" тармоғидан олинди

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

Бу йил Хоразм вилоятида бўлиб ўтадиган мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларига тайёргарлик Фарғона вилоятида кўтаринки руҳда олиб борилди.

23 март куни мусобақаларнинг учинчи — вилоят босқичига старт берилди. "Нефтчи" ўйингоҳида бўлиб ўтган очилиш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳ.Каримов вилоятдаги барча туман ва шаҳарлар ғолибларини вилоят босқичида ҳам муваффақиятли қатнашиб, ғолибликни қўлга киритишида омадлар тилади.

Шу куни бошланган мусобақалар муросасиз тарзда давом этди. Бугунгача ўз ниҳоясига етган мусобақаларда ғолиблар аниқланди. Жумладан, енгил атлетика бўйича Фарғона шаҳри жамоаси ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Данғара ҳамда Ўзбекистон туманлари спортчилари фахрли иккинчи-учинчи ўринларни эгаллашди. Белбоғли курашда Ўзбекистон ҳамда Бағдод туманидан қатнашган полвонлар тенг кўрсаткичга эга бўлишиб, биринчи, Бувайда ва Бешариқ жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Шунингдек, миллий кураш мусобақаси ғолиби деб, Қўқон шаҳри терма жамоаси тан олинди ва улар ҳам "Умид ниҳоллари"нинг республика босқичида куч синашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Кеча катта теннис бўйича мусобақалар тугади. Унда Фарғона шаҳри жамоаси биринчи, Қўқон шаҳрилик теннисчилар иккинчи, Учкўприкликлар учинчи ўринни эгаллашди.

31 март кунигача давом этадиган ушбу мусобақалар спортнинг қолган турлари бўйича ҳам ўз ғолибларини аниқлаб, кейинги босқичга йўлланма беради.

Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ, "Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Barkamol avlod — 2003

ПОЛВОНЛАР ХОНОБОДДА БЕЛЛАШАДИЛАР

Республикамиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасида бу гал Андижон вилоятида ўтказиладиган спорт ўйинларининг финал босқичи дастуридаги белбоғли ва халқаро кураш, оғир атлетика мусобақалари Хонобод шаҳрида бўлади. Бу бежиз эмас, албатта. Хонобод хушманзара ва баҳаво шаҳар бўлиши билан бирга полвонлар юрти ҳамдир.

Аввало, мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келадиган меҳмонлар Хонобод ҳақида яхши таассуротлар билан юртига қайтишлари керак. Бунинг учун уларни тантанали кутиб олиш, ётоқхоналар билан таъминлаш, овқатлантириш, спорт мусобақаларини юксак савияда ташкил этиш ва ҳаққоний ўтказиш, дам олишларини уюштириш, алоқа ва транспорт хизматлари, хуллас, барча масалалар бўйича фаол тайёргарлик кўрилмоқда.

Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида 1000 ўринли ажойиб кураш майдони қурилмоқда. Бу ерда ўтказиладиган белбоғли ва халқаро кураш мусобақалари жаҳон андозалари даражасида бўлади. Шу кунларда 2-қурилиш акциядорлик жамияти жамоаси иншоотни тез кунларда ниҳоясига етказиш учун туну кун иш олиб боряпти. Курашчилар саноат касб-ҳунар коллежи ётоқхонасига жойлаштирилади. Бу ерда 250 кишилик жой ва барча шарт-шароитлар муҳайё қилинмоқда.

Оғир атлетика мусобақалари ўтказиладиган шаҳар маданият уйи тўла таъмирланяпти. Ҳакамлар учун компьютер билан жиҳозланган алоҳида хона, шифокорлар учун махсус жойлар мавжуд. Оғир атлетикачиларга компьютер технологияси коллежида 200 ўринли ётоқхона ҳозирланган.

Хонободда мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимини, шунингдек, турли дам олиш ва экскурсиялар, баҳс ва мунозаралар ўтказиш тадбирларининг сценарийлари тузилди. Шаҳарни янада ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш учун ҳаракат қилинмоқда.

Катта куч ва меҳнат сарфланяпти. Бироқ, ёшларимиз баркамоллиги йўлида сарфланган ҳар қанча маблағ ўзини юз бора оқлашига шубҳа йўқ.

О.СИДДИҚОВ

ЯШИЛ МАЙДОНЛАРДА БАҲСЛАР БОШЛАНДИ

Етти йилдирки, республика футбол мактаб-интернатлари ўқувчиларининг маҳоратларини ошириш мақсадида икки босқичда мусобақалар ўтказиб келинаётир. 25 март куни Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Ғузор шаҳарларида 1987-88 ва 1989-90 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ҳудудий мусобақалар бошланди. Тўрт гуруҳга бўлинган беллашувларда ҳар икки ёшдаги гуруҳларда ("А", "Б", "В" гуруҳлари) Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоят мактаб-интернатлари ва "Г" гуруҳида Ғузор (Қашқадарё), Шофиркон, Ромитан (Бухоро), Қумқўрғон, Сариосиё, Денов (Сурхондарё) футбол мактаб-интернатлари жамоалари финал беллашувларига чиқиш учун кураш олиб боришади.

Мусобақа бош ҳаками, Ўзбекистон "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгаши футбол бўлими бошлиғи Бобур Ҳайдаровнинг айтишича, ёш футболчиларнинг спорт беллашувларини уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча шароитлар яратилган. Футбол ишқибозлари бир ҳафта мобайнида қизғин курашларнинг гувоҳи бўлишади.

F.МАННОПОВ.

ҚИШЛОҚДА БОКС КЛУБИ

Пахтаобод туманидаги "Олтин" фермер хўжалиги раҳбари Каримберди Эгамов ҳақиқий тадбиркор деҳқон. У биргина ўтган йили пахта ва буғдойдан 6 миллион сўмдан ортиқ даромад қилди. Унинг шахсий чопиқ, ҳайдов ва прицепли тракторлари мавжуд. Каримберди топган фойдасидан бир қисмини спортнинг бокс турини ривожлантириш учун сарфламоқда. У 2001 йилда қаровсиз ётган бинони қайта таъмирлаб, бокс клуби очди.

Мана 2 йилдирки, қишлоқдаги 50 га яқин ёшлар Шуҳратжон Қўчқоров устозлигида бокс сирларини ўрганиб келмоқда.

Қишлоқ ўсмирларининг саъй-ҳаракатлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Марс Қўчқоров, Осиё ва Жаҳон чемпиони Ўткир Ҳайдаровларнинг эътиборини тортди. Улар бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, вақти-вақти билан йўл-йўриқлар кўрсатиб туришибди. Таниқли мураббий бир неча йигитни ўз клубига таклиф этди. Улардан Асрор Эгамов вилоят чемпиони бўлиб, Республикада иккинчи ўринни эгаллади.

Яқинда тадбиркор Эгамов яна бир хайрли ташаббус билан чиқди. Президентимизнинг "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармонига жавобан "Обод маҳалла йили" муносабати билан "Озод" ширкат хўжалигининг собиқ раиси Усмонали Каримов хотираси учун бокс бўйича турнир ўтказди. Тўрт кун давом этган бу мусобақада Пахтаобод, Избоскан туманлари ва қўшни Қирғизистон Республикасидан 200 дан ортиқ ёшлар иштирок этдилар. Турнирнинг очилиш маросимида Марс Қўчқоров ва Ўткир Ҳайдаровлар иштирок этиб, бўлғуси чемпионларга муваффақият тиладилар. Беллашувларда пахтаободлик "чарм қўлқоп" усталари ғолибликка эришдилар.

О.СИДДИҚОВ

"ИРОҚҚА ОЗОДЛИК" ҲАРАКАТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

20 март куни эрта тонгдан жаҳон оммавий ахборот воситалари АҚШ ва Буюк Британия қўшинлари Ироққа қарши ҳарбий ҳаракат бошлагани ҳақида дунёга овоза қилдилар. Ироқ пойтахти Бағдод узра ракета ҳужуми бошланди. Ироқдаги инсонийлик тамойилларига зид тузумга қарши бўлган давлатлар бу ҳаракатларни қўллаб-қувватлаган бўлса, уруш бўлмаслигини ёқлаб чиққан давлатлар ҳарбий операцияларни "ноқонуний уруш" деб атадилар ва унинг дарҳол тўхтатилишини талаб қила бошладилар. Улар коалицион кучларни БМТга қулоқ солмасликда ва ўзбошимчаликда айбладилар. Аммо АҚШ ҳукумати Саддам Ҳусайннинг ироқликлар ва жаҳон ҳамжамияти учун қанчалик хавфли шахс эканини далиллар билан исботлашга ҳаракат қилмоқда. Шунинг учун ҳам ҳарбий ҳаракатлар "Ироққа озодлик" деб аталди.

ЗАМОНАВИЙ ГИТЛЕР

Бир вақтлар нацистлар партияси ҳокимият тепасига келганида, Гитлер Германияни бутун дунёга қарши урушга тайёрлаётганини жаҳон ҳамжамияти кўриб туриб кўрмасликка олганди. Чунки Гитлернинг бу ҳаракатидан манфаатдор давлатлар ҳам бор эди. Мана шу омил жаҳонга уларни кулфат келтириши мумкин бўлган муаммодан кўз юмишга мажбур қилганди. Ва бунинг оқибатлари нималарга олиб келгани ҳаммага маълум.

Саддам ҳокимият тепасига келганида тарих яна бир бор такрорланди. Жаҳон яна кўз юмди. "Совуқ уруш" даврида икки қутбга бўлинган давлатлар Ироқдаги вазиятдан ўз мақсадлари йўлида фойдаландилар. Саддам Ҳусайн эса бу икки қутбнинг ҳам қўлидан тутди ва ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олди. У бу икки қутбнинг кўмагидан Эрондаги урушда ҳам фойдаланди. БМТ гарчи дунё мамлакатларини тинчлик йўлида бирлаштириб турган бўлса-да, унинг аъзолари бир-бирини доим ҳам қўллаб-қувватламаслигини яхши тушунарди. Шунинг учун у БМТни менсимади ҳам. Форс кўрфазидаги биринчи урушда ҳам унинг кўзи очилмади. Ўтган ўн икки йил давомида у БМТдаги ўзаро қарама-қаршиликлардан унумли фойдаланди. Аммо бир кун келиб сабрнинг косаси ҳам тўлиши мумкинлигини унутганди. АҚШ БМТ рухсатисиз ҳам уруш очишини тасаввурига ҳам келтирмаган эди.

ДУШМАНИМНИНГ ДУШМАНИ МЕНИНГ ДЎСТИМ

Ироқдаги уруш хусусида мухолиф давлатлар ОАВлари турлича миш-мишларни илгари сурмоқдалар. Баъзилар АҚШ Ироқнинг нефти учун ушбу ҳаракатларни амалга оширмоқда, баъзилар диний сабабларни рўкач қилиб жар солмоқда. АҚШ эса ушбу хабарларни тўла-тўкис рад этаётир. Аммо бу хабарлар дунё давлатлари аҳолиси ўртасида турли хил фикрларни уйғотмоқда. Кўплаб давлатларда аҳолининг намойишга чиқаётганининг сабаби ҳам шу бўлса керак.

"БИЗ УРУШГА ҚАРШИМИЗ"

Буюк Британияда 500 мингга яқин аҳоли Ироқдаги урушга ўз қаршиликларини эълон қилиб намойишга чиққанлар. Ушбу ҳолатлар АҚШнинг ўзида, Италия, Германияда ҳам кузатилмоқда. Франция ўз ҳудудидаги мусулмонлардан хавотир олмоқда.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Улар нега намойиш ўтказмоқда? Улар нимадан норози? Жавоб шуки, улар фақатгина урушга қарши. Улар ҳеч қачон Саддам Ҳусайнни ёқлаб чиқмайдилар. Уларни уруш даврида ҳалок бўлиши мумкин бўлган ироқликларнинг тақдири ташвишга солмоқда. Улар урушни тинч йўл билан ҳал этишни хоҳлайдилар. Бироқ...

Айни Наврўз кунларида президентимиз Ироқ хусусида журналистларга интервью берганларида, уруш ҳеч қачон муаммога ечим бўлмаслигини, урушни ақли расо одам ҳеч қачон хоҳламаслигини таъкидлагандилар. Аммо Саддам Ҳусайн буни англаб етмаяпти. Унга берилган 12 йиллик муҳлат ичида у мамлакатнинг 500 миллиард доллар пулини қуролланишга сарфламасдан илм-маърифатга сарфлаганда биз бугун Ироқ тевараги-даги муаммолар ҳақида бош қотириб ўтирмаган бўлардик.

АҚШ ҳукуматининг билдиришича, Саддам Ҳусайннинг қўлида химиявий-бактериологик қуроллар мавжуд. У бу қуроллардан бирор мамлакатга қарши фойдаланиши ёки уларни халқаро террорчилар қўлига тутқазиши мумкинлиги тахмин қилинаётир. Коалицион кучлар эса Саддам қачон бу ишни амалга оширар экан, деб кутиб ўтирмасдан касалликнинг олдини олмоқчи. Шу сабабли Ироқ муаммосини урушсиз ҳал қилишнинг иложи йўқлиги ўз-ўзидан маълум бўлиб қолди.

Афсуски, урушга қарши бўлган давлатлар ОАВлари ҳамон воқеаларни ўз манфаатларига мослаб, муҳокама қилмоқдалар. АҚШ эса қуйидагича изоҳ бермоқда: Уруш Ироққа, ироқликларга қарши эмас, Саддам Ҳусайн тузумига қарши олиб борилмоқда.

Мадаминбек БОЙМАТОВ

ЖАНГОВАР ЙЎҚОТИШЛАР (5-КУН)

АҚШ

20 март — 4 киши ҳалок бўлди.

21 март — 2 киши ҳалок бўлди, 1 киши жароҳатланди.

22 март — вертолёт фожеаси туфайли 1 киши ҳалок бўлди, Ироқ жанубидаги жангларда 4 киши жароҳатланди.

23 март — АҚШнинг Қувайтдаги ҳарбий базасида юз берган портлаш туфайли 1 киши ҳалок бўлди ва 13 киши жароҳатланди. Ал-Носирия яқинида 4 киши ҳалок бўлди ва 2 киши асирга тушди. Шунингдек, мазкур шаҳар учун кечган жангларда 12 нафар аскар бедарак йўқолди.

Қувайтда эса яна бир американлик ҳалок бўлди ва 3 киши жароҳатланди.

24 март — "Апаче" вертолёти ҳалокати туфайли унинг 2 учувчиси асирга тушди.

Британия

20 март — 8 нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди.

21 март — Ум-Қаср ва Басра учун кечган жангларда бир неча аскар жароҳатланди.

22 март — Форс кўрфазида 2 вертолётнинг тўқнашуви туфайли 6 британиялик хизматчи ҳалок бўлди.

23 март — "Tornado" қирувчи-бомбардимончи самолётнинг 2 учувчиси, Британиянинг ITN телеканали мухбири ҳалок бўлди.

24 март — Аз-Зубайр шаҳри яқинидаги тўқнашувларда 1 киши ҳалок бўлди ва 2 киши асирга тушди.

Ироқ

20 март — 6 киши ҳалок бўлди, 20 киши жароҳатланди.

21 март — 36 киши жароҳатланди.

22 март — 3 киши ҳалок бўлди, 200 дан ошиқроқ киши жароҳатланди.

23 март — 77 киши ҳалок бўлди, 336 киши жароҳатланди.

24 март — 67 киши ҳалок бўлди, 400 киши жароҳатланди.

Қувайт

21 март — Бирлашган Араб Амирликларининг 4 аскари ҳалок бўлди.

Эрон

21 март — Абадон шаҳридаги нефть омборига келиб тушган ракета туфайли 2 киши ҳалок бўлди.

Сурия

23 март — 5 киши ҳалок бўлди ва 10 киши жароҳатланди.

2003 йилда Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги томонидан хусусий тадбиркор Абдуқаҳҳоров Рустамжон номига берилган № 000845 рақамли савдо лицензияси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси ҳамда ҳуқуқшунослик факультети жамоалари факультет доценти

АҲМЕДОВ ДОНИЁР БЕРДИЕВИЧнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси ҳамда фалсафа факультети жамоалари фалсафа кафедраси доценти Манзура Қобуловага онаси

МУСИНА ГАЛИНА ГАЙСИЕВНАнинг

вафот этганлиг муносабати билан таъзия изҳор этади.

Garchand aqlingiz bovar qilmasa ham, xavfli jinoyatchi qamoqxonani shu tariqa tark etdi.

Farzandlari yo'q edi, ammo mahalla bolalarini, maktabdagi ba'zi etim bolalarni o'z farzandlariday ko'rib, ularga doimo mehribonchilik ko'rsatishardi.

Ko'ngil bitiklari

БАҲОР

Тоғларда қотиб қолди,
Қишнинг оқ ўсмалари,
Боғларни зийнатлади,
Баҳорнинг йўрмалари.
Сержило, тароватли
Дарахтлар муғжалари.
Дурлар сочди чангаллаб,
Гулларнинг тугмалари.
Бодому шафтолининг,
Покиза шакллари.
Шабода эркалатса,
Тўлғонур кокиллари.
Кўзларига ярашган,
Қизларим сурмалари.
Атлас кўйлак кийишган
Хушбичим бурмалари.
Фасллар бари асил
Қиш, баҳор шарбат фасл,
Куз туҳфаси мўл ҳосил,
Ёз пиширар муттасил.
Булбул тўқир тарона,
Ёқимли садолари,
Дил туйғумиз, шарқона.
Биз баҳор шайдолари.

Болтажон СОДИҚОВ,
Термиз давлат университети доценти

КУНГИРОК ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

ҚИЗҒАЛДОҚ

Қоя узра жилмайиб нафис,
Товланарди бир жуфт қизғалдоқ.
Ёғдуларга шодон тутиб юз,
Шабнамлардан тақиб дур балдоқ.
Илк севгига дуч келган қалбдек,
Гоҳ ларзон, гоҳ сокин эди у.
Мунис эди, шу тоғ узра лек,
Бор чиройга ҳоким эди у.
Аммо шу пайт дайди бир шамол,
Изғиб қолди солиб чанг-тўзон.
Нозик танин тўзғитиб ҳайҳот,
Қизғалдоқни айлади хазон.
Шунда Замин титради оҳдан,
Ҳатто тоғлар оҳ чекдилар, оҳ!
Ва келгуси кўклам шу жойдан
Униб чиқди минглаб қизғалдоқ.

Зикрилла НЕЪМАТ

НАВРЎЗ ЖУМАДА КЕЛСА

Ўлкамизга Наврўзи олам кириб келди. Олам яшарди, ямяшил майсалар, ялпизлар илк бор ариқ лабида бўй таратди. Бойчечак, чучмомалар қаттиқ ерни ёриб илк бор гуллади. Баҳор нашидасидан анҳор ўзига сиғмай тўлиб-тошиб оқади, гўё кичик тўқинлари қувлашмачоқ ўйнашгандай. Наврўзи олам минг-минг йиллардан буён инсоният қалбини ўзига ром этиб келмоқда. Умар Хайём "Наврўзнома" номли асар ёзган. Ҳаттоки "Наврўз ҳадислари" деб аталувчи 10 ҳадис қадимий қўлёзмалар орқали бизгача етиб келган. Бу ҳадисларнинг 70 та хосияти самарқандлик машҳур олим Абулайс Самарқандийнинг "Бўстони фиқҳ" китобида баён қилинган.

Ҳаттоки бобокалон шоиримиз Алишер Навоий назмидан ҳам кенг ўрин олган. Шоир ўзининг "Хазойин ул-маоний' асарида Наврўзнинг байрам қилиниши шу куни тун билан куннинг тенг келишини илмий асосда боғлаб, уни қуйидаги мисраларда ифодалайди:

Васли аро қўрдум, тенг эмиш бўйию-сочи,
Тун-кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди, чу Наврўз.

Наврўз бу — умумхалқ байрами, дўстлик байрами! Наврўз деҳқончилик байрами, ёшариш ва янгиланиш байрами. Шарқ халқларида Наврўзи олам кириши билан янги йил бошланади. Наврўзи олам ана шундай таърифлаб бўлмас, туну кун баробар келадиган мўъжизали кун. Элимизга қайси кун ташриф буюришининг ҳам табиат мўъжизаларига боғлиқ эканлиги олимларимиз томонидан ёзилган экан. Бу йил Наврўзи олам одина куни дохил бўлди.

Буюк бобомиз Хожа Хаким ат Термизий шундай деган эди: "Агар Наврўз жума куни келса, ниҳоятда хосиятли бўлгай, мевалар кўп бўлгай, сувлар тўлиб оқгай, эл орасида мамнунлик, ёғингарчилик кўп бўлгай, хайриёт кўп бўлгай, юрт дону дунга тўлгай".

Иншоллоҳ шундай бўлсин.

Саломатхон ҲАСАНОВА

ОТАМНИНГ ЁДНОМАЛАРИ...

Esdalik

Бир куни шаҳардан келаётиб, болалик уйимга, дадам олдиларига кирдим. Мени кўриб севиниб кетдилар.

— Қаерга бординг қизим, қўлларингда китоблар?

— Шаҳардаги Муҳаммадшариф Сўфизода номли 12-ўрта мактабда ўқувчилар билан учрашув бўлди, ўшаёқдан келятувдим.

— Сўфизода. Дадамнинг кўзлари ёшланди.

— Дада! Нима бўлди? — уларга чой қуйиб узатдим. Дадам чойни бир хўплаб олдилар-да:

— Ҳеч нима бўлгани йўқ, фақат Сўфизода билан ўтказган кунларим ёдимга тушиб кетди.

— Нима? Сиз, Сўфизода билан бирга бўлганмисиз? — Ҳайратдан қотиб қолдим. — Айтиб беринг! — дея қисталанг қилдим болаларча.

— Оббо! Болалар шоирасига қандай айтиб берарканман-а? — деб ҳазиллашдилар.

— Эсимда, ёшлик йилларимиз... онанг — Турсуной билан (худо раҳматига олсин) иккимизни ўқитувчилик қилиш учун Наманган шаҳар Тўрақўрғон кўчасидаги 12-мактабга юборишди. Мен 12-мактабда, онанг хотин-қизлар учун очилган (СЕБЕЧЕСЕ) яъни чала саводлилар мактабида муаллимлик қила бошлади. 12-мактабда директор бўлиб Сўфизоданинг хотинлари Зебихон ая ишлар эканлар. Узоқ йил бирга ишладик, шу давр мобайнида мен илмий бўлим мудири ва касаба уюшмаси раиси сифатида ҳам фаолият кўрсатардим. Мени доимо Сўфизода йўқлатар эдилар. Чунки, мен Навоий, Бедил асарларини арабчада ўқиб таҳлил қилардим, шунингдек, "Қуръон"ни ҳам. Илмимни ҳурмат қиларди. Бир куни Зебихон ая мени идорасига чақириб : — Маматкарим, сиз дарров бизникига боринг. Сизни чақиряптилар. Тошкентдан меҳмон келармиш, — дедилар. Мен дарҳол дарсларни расмийлаштириб уйларига бордим. (Мактаб билан уйлари оралиғи яқин эди). Уйга киришим билан Сўфизода мамнун бўлиб: — Бугун Тошкентдан дўстим Абдулла Қодирий келади. Сизни таништириб қўяман, — дедилар. Мен жуда хурсанд бўлдим. Чунки, уларнинг ёзган асарларини ўқигандим, аммо юзма-юз кўришмагандик. Мен Сўфизода айтган китоблар жамламасини, ёзганларини тартибга солишга ёрдамлашдим. Бир оздан сўнг Зебихон ая келиб, дастурхон ҳозирлай бошладилар. Кўп фурсат ўтгани ҳам йўқ эдики, бир киши хабардор қилди: кўча эшикдан йўл-йўл чопон кийган, кўзлари чақноқ, қошлари қора, чиройли бир йигит кириб келди. Бу машҳур ёзувчи Абдулла Қодирий эди. Улар қучоқлашиб кўришишди. Сўфизода мени ҳам таништирди. Менга қўл бериб сўрашиб, сўнг бағрига босди. Дастурхон ёзилди. Мен чой келтириш учун қўзғолдим.

Абдулла Қодирий эса: "Мулла, сиз қўзғолманг, мен ният қилиб эдим: Наманганга борсам, ўзим қора қумғон қайнатаман, дегандим", дедим. Бир куни Сўфизода ва Зебихон ая ишлар-да, ўзлари ўчоқ томон юрдилар. Мен дарҳол ёрдамга бордим. У киши уч марта қумғонни чайқаб, сўнг сув қуйиб ўчоққа қўйдилар. Ўт қалашга ҳам уста эканлар. Мен ўтин олиб келардим. Чой шундай вақиллаб қайнардики, сувлари пуфак-пуфак бўлиб ёрилиб атрофга сачрарди. Адиб буни кўриб, "Қумғон чойи шундай ширинки, у ҳар қандай дардга даво бўлади", дерди севиниб. Адиб Сўфизода билан оға-инидай экан. Зебихон ая билан меҳмонга "қўлбола" палов тайёрладик. Бир-икки кундан сўнг Абдулла Қодирий билан хайрлашдик. Меҳмон кетгач, Сўфизода алланечук хаёлга толдилар.

— Ҳар сафар, — дедилар хотираларини жамлаб дадам, — Сўфизода менга янги ёзган шеърларидан ўқиб берардилар. Мен эса жон қулоғим билан эшитардим.

Ўша оғир кунлар эди. Халқимизнинг асл фарзандларини қоралаб турган бир пайтда бу мусибатлар Сўфизодаларга ҳам етиб келди. Маҳаллаларда ҳам айрим сотқинғаламислар пайдо бўлди. Бир муллавачча Зебихон аяни паранжи ёпиниб юради, хотин-қизларни очиқликка даъват қилмайди, бундай аёл мактабга директорлик қиладими? — деган мазмунда мақола ёзиб "Муштум" журналида чиқарган. Шундан кейин мактабимизда тинчлик бўлмади, куно-ра НКВД одамлари изғий бошладилар. Бу орада шоирни ҳам таъқиб қила бошлашди. Бир куни мени тезда келсин дея чақиртирдилар. Мен дарҳол Сўфизода ҳузурларига бордим. Шоир қандайдир кўрқув билан китоб ва дафтарларни яширардилар.

— Раҳимов, билиб турибсиз, дунё нотинч, мен сизга ишонаман, агар менга бирор кориҳол бўлса Зебихонни ҳимоя қилинг, озор етмасин. Дўстларим билан бирга бўлинг, ўрни келса Зебини бирор оддийроқ кишига турмушга узатинглар. Жони омон қолса бас! —дедилар. Шу-шу бўлди-ю, уларни бошқа кўрмадим. Қатағон қурбони бўлди. Айтганларини қилиб, мен мактаб ота-оналар йиғилиши қарори, мактаб касаба уюшмасининг қарорларини чиқариб Зебихон аяни оқланишига эришдик. Хурсанд бўлиб менга чуст дўпписини ўз қўллари билан тикиб, кийгизиб қўйди. Ўзлари чустлик эдилар-да! — дедилар дадам ажиб ҳолатда.

—Сўнг нима бўлди? — сўрадим ҳаяжонланиб.

—Кейин... қанча-қанча тўфонларга дуч келдик. Кимлар отилди, кимлар ким учун қурбон бўлди. Зебихон аяни маҳалла самоварчисига узатдик. Сўнгра ишламай қўйдилар. Биз ўшанда Сим кўчасидаги Аълохон деган домланикида онанг билан ижарада яшардик. Зебихон ая билан онанг жуда қалин опа-сингил бўлишганди. Борди-келдимиз узилмаганди.

— Сўфизода билан Зебихон аяни фарзандлари бормиди? — қизиқсиниб сўрадим дадамдан.

— Йўқ, фарзандлари йўқ эди, аммо маҳалла болаларини, мактабдаги баъзи етим болаларни ўз фарзандларидай кўриб, уларга доимо меҳрибончилик кўрсатишарди. Онанг билан узоқ йил муаллимлик қилдик. Сўнг II жаҳон уруши бошланиб кетди... Урушдан сўнг қийинчилик йиллари... — дея дадам бир зум жим қолдилар. Ва гапини шундай якунладилар:

—Ҳозирги замонамизнинг қадрига етиб, шукроналар қилиб яшамоқ керак.

Тўхтахон РАҲИМОВА,
Наманган тумани,
Шўрқўрғон қишлоғи,
8-мактаб фахрий ўқитувчиси

Xullas...

14 ҚАВАТЛИ ТУРАР-ЖОЙДА МАШҚ

Авиация-техник клубига парашютчилар қатнайди. Ўқув-машқ учун берилган самолёт эса бузилиб ётибди. Нима қилиш керак? Маҳоратнинг ошиши учун вақтни бой бериш ярамайди.

Қаловини топсанг қор ҳам ёнади, деганларидек, чораси топилди. Парашютчилар самолёт ўрнига 14 қаватли уйдан сакрайдиган бўлишди. Узоқ вақтдан бери битмай ётган иморат парашютчиларнинг машғулот майдончасига айлангани Йошкар-Ола шаҳар ҳокимиятидаги амалдорларнинг ҳам қулоғига етиб борди. "Алпика" клуби ўз машқлари билан уларга гўёки бинони битириш кераклигини эслатиб қўйишди.

Шундай қилиб, парашютчилар бир ўқ билан икки "қуён"ни мўлжалга олишди.

ТУҒИЛГАНДАН БОШЛАНГАН ТАРБИЯ

Фавқулодда қобилият эгаси Карим Лавринов нафақат ўз ота-онасини, балки атрофидагиларни ҳам ҳайратда қолдирмоқда. Бу эса истеъдоднинг чиндан ҳам туғма бўлишидан яна бир далолат.

Ҳаммаси мусиқадан бошланди. Отаси уни уйларига яқин санъат мактабига жойлаштиргач, кўп ўтмай, Карим кларнетнинг моҳир ижрочисига айланди. Байрам ва тадбирлар унинг иштирокисиз ўтмасди. Санъат ғунчаси энди ўзини Робертино Лоретти деб аташларини истарди. Карим Лавриновнинг истеъдоди фақат мусиқа билан чекланмаган. Шеър ёзиш, расм чизиш, рақсга тушишни ҳам дўндиради. Шунингдек, "Дети Европы" журналининг доимий муаллифи.

Ўтган йили серқирра талант эгаси "Кичкина Шаҳзода" деб аталган халқаро фестивалнинг улкан совринини қўлга киритди. Бу қадар ҳаммани қойил қолдирадиган хислат эгаси бўлишнинг сири нимада экан?

Карим Лавриновнинг ота-онаси у билан туғилган онидан бошлаб шуғулланганини таъкидлашади. Теварак-атроф билан таништириш, унга гўзал манзараларни кўрсатиш, кўзни қувнатувчи суратлар совға қилиш ва ҳоказо. Буларнинг бари йиғилиб-йиғилиб, боланинг онгию шуурини истеъдодга тўлдирди. Айтганча, зарарли одатларга нисбатан нафрат руҳида тарбияланиши ҳам, эҳтимол фавқулодда қобилият эгасининг мукаммал шаклланишига ҳисса қўшгандир.

Қанийди, барча ота-оналар ҳам ўз болаларини Каримга ўхшатиб тарбиялашса...

НИНА, ИП БИЛАН ОЗОДЛИККА...

Гондурасдаги қамоқхоналардан бирида ташвишли ҳолат! Бу ердан ашаддий жиноятчи сифатида қамалган маҳбус қочган! Қандай қилиб? Ахир ҳамма ёқ панжара бўлса...

Ўтказилган текширишлар оқибатида қочоқ ўйлаб топган "технология" аён бўлди.

24 ёшдаги Алфонсо Мариа Риего бир кишилик камерада "яшар", қамоқхонанинг ички тартиб-қоидаларига қаршилик қилмас, қисқаси, ўз қилмишларига пушаймон бўлса-да, умри бир зайлда кечмоқда эди. Йиллар ўтгани сари Риегонинг кийимлари йиртилиб-титилиб борарди. Тикиб, эпақага келтириб олмаса бўлмайди. Қамоқхона назоратчиси унинг илтимосига биноан, нина ва ипни муҳайё қилди.

Маҳбус сабр-тоқат билан кийимларини,коржомасини ямади, шим ва ички кийимларини бутлади. Бехосдан миясига келган фикрдан маҳбуснинг юраги "дук-дук" уриб кетди. Нинани худди пичоқ сингари қуролга айлантириб, панжаранинг уч-тўрт бўлакчасини "юмшатди" ва ойнани қўли билан уриб синдириб, жуфтакни ростлади. Гарчанд ақлингиз бовар қилмаса ҳам, хавфли жиноятчи қамоқхонани шу тариқа тарк этди, деб хабар беради Чилида чиқадиган "Ла Эпока" газетаси

ana shunaqa gaplar

ҲУРМАТЛИ ҲАМКАСБЛАР!

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг "Психология" кафедраси 2003 йилнинг 14-16 май кунлари "Шахс психик ривожланиши муаммолари: назариядан амалиётга" мавзусида илмий-назарий конференция ўтказилиши ҳақида маълумот беради.

Конференциянинг илмий-назарий дастури доирасида қуйидаги йўналишлар бўйича 10 дан зиёд шўъбада иш юритилиши мўлжалланган:

- Амалий психологиянинг методологик ва назарий муаммолари.
- Психология таълим ва тарбия тизимида.
- Психология соғлиқни сақлаш тизимида.
- Психология ишлаб чиқариш, бизнес ва бошқарув тизимида.
- Психологик маслаҳат.
- Юридик психология.
- Оила психологияси.

Дастурий қўмита конференцияда иштирок этиш учун мурожаат ва тезисларни қабул қилмоқда.

ТЕЗИСЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:

1. Матн 3 бетда тўлиқ ҳолда.
2. 14 шрифт.
3. Windows 98 дастурида.

Тезиснинг мавзуси юқори қисмида кўрсатилиши лозим.

Ўнг бурчагида — исм-шарифингиз, отангизнинг исми, иш жойингиз, илмий даража ва унвонингиз.

Тезис дискетга киритилган ҳолда 12-апрелга қадар қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Братислава кўчаси (собиқ Глинка кўчаси) 103-уй. 3-бино. 3-40 хона "Педагогика ва Психология" факультети қошидаги "Психология" кафедраси.

Тел.: 55-50-96 факс: 152-73-92
сайт: tgpu. uzsci. net

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор

"ШОҲМОТ" БОШҚОТИРМАСИ

Шоҳмот тахтасида шоҳ донаси юриши билан ҳарфларни ўқиб ва уларни тўғри чизиқ орқали бирлаштирсангиз, ҳадиси шарифнинг маъносига хос шакл келиб чиқади.

	A	B	C	D	E	F	G	H
8	♔							
7		Қ	У		Ҳ	А	М	Ў
6	Ч		И	Ш		Т	З	
5	У	А	Д		А			
4		Н	А			Қ	Д	И
3				Л	И	Б	Р	
2							И	
1								

Тузувчи: Салимжон БАДАЛБОЕВ

Газетамизнинг 2003 йил 19 март сонида берилган "Шоҳмот" бошқотирмасидаги "фарзин" сўзи "шоҳ" деб ўқилсин.

Айрим техник сабабларга кўра "Шоҳ" ва "От"ларнинг белгилари тушиб қолганлиги сабабли сизлардан узр сўраймиз.

"ЗАЙТУН" КРОССВОРДИ



ЎНГГА: 1. Миннатдорчилик туйғуси. 2. Уруғсиз узум. 3. Хон омборхонаси, зарбхонаси бошлиғи. 4. Ногирон, майиб. 5. Ҳўл "беги", ўсимлик. 6. Фарзаннинг боласи. 8. Америкалик қўшиқчи – Пол ... . 10. Дунёдаги энг чуқур кўл. 13. Вақтнинг нимасини тутиб бўлмас? 14. Олмон спорт фирмаси. 15. Икки ғилдиракли соябонли енгил арава. 16. Ивитилган қатиқ суви. 17. Қуманжир. 18. АҚШдаги штат. 20. Комила, Макнуна тахаллуслари билан ижод қилган ўзбек шоираси. 22. Оқ рангли хушбўй гул.

ЧАПГА: 1. Аждодлар ҳикмати. 2. Жанубий Америка тимсоҳи. 3. "Хамр ичувчи" тахаллуси билан ижод этган ўзбек шоири. 4. Билим ўчоғи. 7. Эрондаги шаҳар. 9. Насим. 11. Иқтидорли эстрада хонандаси - ... Шокирова. 12. Ёдгорлик. 13. Бўйламасига чалинадиган туркман найи. 14. Фаранг адиби. 15. Ичига ликёр жойланган шоколадли конфет. 16. Субтропик дарахт. 19. Сигирнинг эркаги. 21. Нон юзидаги дон. 23. Ўзбек эстрада хонандаси - ... Абдуллаева. 24. Сурхондарё вилоятидаги туман.

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ

Ma'rifat

ТАҲСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-210.
Тиражи 32240 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир:
Насиба ЭРХОНОВА,
Навбатчи:
Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида
Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00